

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқи УДК /99.262.1.001.5

БОЙБЕКОВА ШАХНОЗА АЛИЕВНАНИНГ

**МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ
ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ**

Мутахассислик:5А111601 – Маънавият асослари

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАХБАР: ф.ф.н.доц.Ж . Дустмуратов

Қарши – 2015й

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3 – 9
I БОБ. “МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР” ТУШУНЧАСИ: ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ	
1.1. “Маънавий қадриятлар” тушунчасининг мазмун моҳияти.....	10-24
1.2. Маънавият ва аксиологик онг тушунчасининг ривожланиш босқичлари.....	25-36
II БОБ.МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	
2.1. Маънавий қадриятлар ва унинг таянч тизими.....	37-47
2.2. Илмий қадриятлар - маънавий янгилааниш омили.....	48-56
III БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАҚОМИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ	
3.1. Жамият тараққиёти жараёнида илмий қадриятлар мақомининг ортиб бориши	57-65
3.2. Маънавий янгилааниш жараёнида илмий қадриятлар самарадорлигини ошириш йўллари.....	66-78
Хулоса.....	79 – 81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82– 86

Кириш

Ишнинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш энг асосий вазифалардан биридир. Бу кўп жиҳатдан илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “барча долзарб муаммоларни ҳал этишда илм-фан ўзининг салмоқли хиссасини кўшиши керак. Ҳозир республика ҳар қачонгидан ҳам кўра илгарилаб кетиши, ўсиши, янги сифат босқичига кўтарилиши жуда зарур. Бунинг учун, аввало илм-фанда ҳам, техникада ҳам, технологияда ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам шитоб билан ишлаш, шунга яраша одамлар онгида дунёқарашида ҳам ўзгаришлар бўлиши керак.¹”

Одамлар ҳаётга, табиат ва жамиятга, ўз-ўзига, келажак ва ўтмишга, бирон конкрет воқеага муносабатини белгилашда маълум мезонлардан, меъёрлар ва баҳолардан келиб чиқади. Бошқача айтганда айтганда, муайян кадриятлар билан таққослаб, баҳо беради ва муносабатда бўлади. Лекин инсон, жамоа, жамият қўллайдиган, мезон қилиб олган муайян кадриятлар тўғри, ҳақиқий ёки сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий кадриятларни сохта кадриятлардан фарқлашда одамларга фан ёрдам беради. Илм-фан, инсон ҳақидаги, олам ҳақидаги позитив билимларни очиб беради, фойдасиз нарсдан фойдали нарсани ажрата олади. У фақат ижобий билим бера олади. Жамиятдаги кадриятлар тизими ижтимоий фанлар ёрдамида аниқланади. Табиатшунослик аниқлаган кадриятлар, бир томондан инсоннинг дунёқарқшининг кенгайишига у турли хатоликлар ва нотўғри тасаввурлардан, хурофатдан холос бўлишига, иккинчи томондан -ишлаб чиқариш технологиялари ривожланишига, меҳнат унимдорлиги ва турмиш фаровонлигини ошишига хизмат қилади. Шу сабабдан илмий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида –Т.:Ўзбекистон, 2012. -76-77 бетлар

кадриятларнинг жамият ривожланишида, жумладан маънавий ривожланишида ролини тадқиқ этиш катта илмий аҳамиятга эга.

Фан-техника тараққиёти шароитида фан этикаси, олим масъулияти илмий кадриятлар тизимида катта ўрин эгаллади. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилаётган ҳозирги шароитда илм аҳллариининг юксак фуқаролик позицияси, илм-фан ривожини йўлидаги фидойилиги, ватан ва халқимизга садоқати сингари фазилатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Илм-фанни кадрият сифатида англаш таълим-тарбия ва илмий муассасаларга муқаддас даргоҳ сифатида қарашни, уни қадрлашни, авайлаб асрашни тақозо этади. Илмий тадқиқот институтлари – илмий кадриятларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бундай табаррук масканларда олимлар илмий кашфиётлар қиладилар. Ниҳоят, илмий кадриятларнинг субъекти олимлар сиймосидаги жамият бўлса, объекти объектив ҳақиқатдир. Бутун жамият аъзоларининг илм-фанга бўлган муносабатлари олимларга бўлган муносабатларда яққол кўзга ташланади. Олимлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш демократик ва тараққийпарвар давлатнинг бош вазифасидир.

Илмий кадриятлар маънавий кадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми ва таянч кадрият сифатида ўзининг қатор хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари билан ажралиб туради. Илм-фанни кадрият сифатида англаш, аввало, илмий билимлар ва фаннинг жамият ва шахс ҳаётидаги буюк яратувчилик қудрати демократик кадриятлар қарор топиши билан боғлиқлигини англашни талаб этади.

Илмий кадриятлар - кишилардаги интеллектуал –маънавий қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқариш, аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, воқеликни тадқиқ этиш орқали янгилик ва кашфиётлар яратишга имкон берадиган ғоялар, асарлар, ўқув ва илмий муассасалар, олимлар жамоаси, илм аҳллари мажмуасидир.

Илмий қадриятлар кенг қамровли фалсафий тушунчадир. Бу тушунча фандаги ворисийлик, анъанавийлик, новаторликни диалектик тарзда уйғунлаштиради. Илмий қадриятлар таркибига энг аввало инсоният тарихида чуқур из қолдирган барча буюк алломаларимизнинг ўлмас асарларини киритиш мумкин. Илмий қадриятларнинг бошқа қадриятлардан афзаллиги, устунлиги – унинг ишончли, тажрибада синалган билимлар беришидир.

Илмий қадриятлар таркибини таълим-тарбия ва илмий муассасалар ҳам ташкил этади. Ўқув муассасалар эзгу мақсадни – ёшларни фан асосларини, фан янгиликларини сингдиришни, ёшларда илмий тафаккур ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, “фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин.”²

Жамиятда маънавий қадриятларнинг негизини ташкил этаётган илмий қадриятлар ва уларнинг тарихий босқичлари ҳамда ўрни ва аҳамиятини ўрганиш; илмий қадриятлар субъекти бўлмиш олимларнинг ижтимоий масулияти масалаларига эътибор қаратиш; замонавий таълим ривожидида илмий қадриятларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган “Таълим тўғрисида”ги қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамияти масалалари, жамият тараққиётида илмий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш умуммиллий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар тарзида, долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда.

² Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги нутқи. Халқ сўзи, 2012,18.02.

Демак, маънавий янгилашиш жараёнида илмий кадриятларни тадқиқ этишга нафақат назарий-методологик, шу билан бирга, амалий жиҳатдан қизиқишнинг ортиб бориши табиийдир.

Магистрлик диссертация ишининг ишланганлик даражаси. Кадриятлар тўғрисидаги масала ижтимоий-фалсафий фикрнинг энг азалий фалсафий муаммоларидан биридир. Лекин уни махсус ўрганадиган фан аксиология фақат XIX аср ўрталарида Ғарбий Европада вужудга келганлиги, унинг фан сифатида ривожланишида позитивизм, неопозитивизм, прагматизм сингари фалсафий оқимларнинг хизматлари катта бўлганлиги маълум.

Илмий кадриятлар масаласи қадимдан файласуфларнинг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларида кенг ўрин олган..

Маънавият, миллий ва умуминсоний кадриятлар, уларнинг ёшлар маънавий камолотига таъсири ҳақидаги фикрларни Ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Кейинчалик эса маърифатпарварлик ғояларини устувор деб билувчи жадидларнинг кўзга кўринган вакиллари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний ва бошқалар ёшлар онгига маърифат, маданият, миллий онглилик, миллий тил, миллий урф-одат ва умуминсоний маърифий билимларни олиб киришга ҳаракат қилганлар³.

Кадриятлар, уларнинг асосий шакллари ва хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилиш юртимиз мустақиллигининг ҳозирги даврида энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бу зарурат Ўзбекистон Президенти

³ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. – Т.: Мерос, 1993. 5-бет; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996. 276-б.; Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. – Т.: Фан, 1990. 104-бет.; Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983. 59-бет.

И.А.Каримовнинг асарларида⁴ маънавият, умуминсоний ва миллий кадриятларни истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан таърифлаб бериш вазифаси қўйилаётганлиги билан бевосита боғлиқдир. Ана шу зарурат ва замонавий талабларга ҳозир жавоблик ҳисси бу борадаги китоб ва рисоалар ёзилишига, тадқиқот ва изланишлар олиб борилишига сабаб бўлмоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг республикамиз олимлари, ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларни шакллантириш, маънавият масалаларига эътибор қаратиш, ёшларни миллий мерос руҳида тарбиялаш масалаларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини, Э.Юсупов, Х.Шайхова, Ж.Туленов, Қ. Назаров, О.Тоҳиров, С.Отамуродов, А. Жалолов⁵, асарларида ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига таянган ҳолда кадриятларнинг миллий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган. Уларда аксиологиянинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, шарқона илдизлари, ўзига хос тамойиллари, кадрлаш ва кадрсизланиш муаммолари, кадриятларнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Биз магистрлик диссертация ишимизда, жамиятнинг маънавий янгилашида илмий кадриятларнинг ўрни, олим масъулияти масалаларни ижтимоий-фалсафий таҳлилини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади ва вазифалари.
Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади илмий кадриятларнинг моҳияти ва уларнинг маънавий кадриятлар тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ҳамда жамият янгилаш ривожига унинг мақомини ортиб боришини ўрганишдан иборат.

⁴Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами Том 1-19 –Т.:Ўзбекистон, 1996-2011; Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:Ўзбекистон, 2008; Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:Ўзбекистон, 2012.

⁵ Юсупов Э. Инсон камолининг маънавий асослари.- Т.:Университет, 1998;Э.Юсупов Кадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни-Т.:Тошкент техника университети, 1995; Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. -Т.: Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. 1993; Назаров. Қ. Аксиология. (Кадриятлар фалсафаси.) - Т.:Академия, 2011; Тоҳиров О. Комиллик-етуклик тимсоли. // Мулоқот, 1999, 3-сон;Иўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси. // Гулистон, 1999, 5-сон; Аҳмедова Х. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси. // Ижтимоий фикр, 2000, 1-2 сон; Отамуродов С. Талаба ёшларининг миллий ўзликни англаши. // Ижтимоий фикр. 2000, 1-2 сон; Туленов Ж. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари.- Т.:Ўзбекистон, 1993

Шунга асосан қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-“маънавий кадриятлар” тушунчаси: фалсафий методологик таҳлил;

- маънавий янгилашниш жараёнида илмий кадриятларнинг ўрни;

- замонавий таълим жараёнида илмий кадриятлар мақомини ошириш усуллари ва имкониятларини ўрганишдан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги.

- Маънавий кадриятлар тушунчасининг мазмун моҳияти ўрганилди ва таҳлил этилди;

- буюк алломаларимиз таълимотларини ўрганиш ва маънавий кадриятлар тизими босқичларида, маънавият ва кадриятли онг таълимотларига эътибор қаратилди;

- маънавий янгилашниш жараёнида маънавий кадриятлар ва унинг таянч тизими бўлган илмий кадриятларнинг ўрни ва роли таҳлил этилди;

- Жамият тараққиёти жараёнида илмий кадриятлар мақомининг ортиб боришида таълим системасининг ўрни ва аҳамияти ҳамда замонавий таълим жараёнида илмий кадриятлар самарадорлигининг ошириш йўллари ва олимнинг ижтимоий масъулияти масалалари ўрганилди.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Мазкур ишда жараён кадриятшунослик соҳасидаги тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, мавзунинг турли қирраларини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан янада кенгроқ таҳлил қилишни кадриятлар билан боғлиқ йўналишда олиб борилаётган бугунги изланишлар ва тадқиқотлар илмий кадриятларнинг кўплаб янги қирралари очилишига ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқот ишининг маълумотларидан олий ва урта махсус укув юртлари, коллеж ва илмий марказларда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг методологик асослари ва назарий асослари. Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ташкил қилади. Назарий хулосалари ва амалий тавсияларида эса файласуфлар ва бир қатор олимларнинг

асарларини таҳлиliga таянган. Ишда тарихийлик ва мантиқийликнинг ўзаро боғлиқлиги, объективлик, тизимлилик методларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертация иши натижаларининг эълон қилинганлиги.

Магистрлик диссертация ишининг тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, олти параграф, хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. “МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР” ТУШУНЧАСИ: ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ

§1.1. “МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР” ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН МОҲИАТИ

Мустақиллик даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади – инсон, унинг манфаатларини таъминлашдан иборат. Президентимиз И.Каримов томонидан белгиланган мазкур устувор вазифа тарихий тараққиёт ва инсоният ривожининг қонуниятларига, асрлар давомида орзу қилинган адолатли жамият қуриш тамойилларига мос келади. Юртимиздаги ўзгаришлар инсоннинг барча моддий-маънавий, ҳуқуқий-ахлоқий эҳтиёжларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу борада мустақиллик жараёни барча жабҳаларда ўзини рўйи рост намоён этмоқда. Аждодларимизнинг истиқлол нашъасидан, истиқбол неъматларидан баҳраманд бўлиш борасидаги асрий орзу-умидлар чинакамига рўёбга чиқмоқда.

Маълумки, инсон умри давомида сон –саноқсиз қадриятлар оламида яшайди. Ҳар бир халқнинг қадрияти нафақат ўзининг миллий омиллари, шу билан бирга умуминсонийликларининг таъсири остида ҳам шаклланади.

Миллий мустақиллик маънавиятимиз асосини ташкил этувчи “қадриятлар”, “миллий ифтихор”. “миллий ғурур”, “миллий ғоя”. “миллий мафкура” сингари тушунчалар моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганишда Президентимиз И.Каримов асарлари катта методологик аҳамиятга эгадир. “Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки. Бизнинг янгиланиш ва

халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолини сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.⁶»

Қадриятлар моҳиятини илмий асосда тушуниш эса нарса ва ҳодисалар моҳиятини инсон ва унинг манфаатлари нуқтаи назаридан билиш ва баҳолашга, инсоннинг яратувчан фаолиятини кучайтиришга, инсон шахсини янада такомиллаштиришга имкон беради. Қадриятлар маънавий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичдир. Маънавият ва қадрият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир инсон ўз ижтимоий ҳаётининг кўринишларидан бири бўлган «маънавият», «қадрият» деган тушунчаларнинг нафис том маъносини билиши керак. Маънавият, қадрият тушунчасига нисбатан бой ва кенг қамровли тушунчадир. Қадрият маънавият таркибига киради ва уни ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам қадрият деганда, кишиларда маънавий қадриятлар тўғрисида тасаввур пайдо бўлади.

“Маънавият” сўзи ҳам тушунча, ҳам атама, ҳам миллий мафкурамиз таркибидаги муҳим бир категория сифатида фақат мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин қўлланила бошланди. “Маънавият” сўзининг тушунча, атама ва категория, қолаверса бир миллат тарихий тараққиёт жараёнидаги мақомини илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов белгилаб берди. “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат, кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради. Хусусан, маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди.»⁷

⁶Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3.-Т.:Ўзбекистон, 1996, 275 бет

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.:Ўзбекистон, 1993. 80 бет

Академик Э.Юсупов маънавиятга қуйидагича таъриф берган: «Маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»⁸. «Маънавият инсонни инсон қилиб, уни бошқа жамики жонли мавжудотлардан тубдан фарқлаб, кескин ажратиб турадиган онг ва тил, ақл идрок ва тафаккур, одамгарчилик, мурувват, саховат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик, табиатни эъзозлаш, илм-фанни, адабиёт, санъат ва маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга халқларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва қадрлаш сингари ажойиб хислат ва фазилатларни ўз ичига олади. Маънавият инсон ҳаётини безайди, гўзаллаштиради»⁹.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹⁰- деб таъкидлайди юртбошимиз.

Қадрият тушунчасининг ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таърифлари кўпгина илмий адабиётларда турли хил ёндашувлари мавжуд. Масалан, «Фалсафа энциклопедик луғати»да қадрият тушунчаси қуйидагича тавсифланади: «Қадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш

⁸ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: Университет, 1998, -10 бет

⁹ Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси.-Т.: Маънавият, 1998, 7-8 бет

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 19 бет

учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунчадир¹¹”.

Устоз А. Эркаев айтганларидек, қадриятлар инсоннинг (жамиятнинг) моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга инсон ва жамиятнинг юксалишига, эркинлик даражасининг ўсишига аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, йиллар ўтгани сайин қимматини йўқотмайдиган моддий ва маънавий бойликлардир.

Профессор Қ.Назаров ўзининг бир қатор ишларида, ушбу муаммонинг ўта долзарблигини таъкидлаш билан бирга, унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари, намоён бўлиш хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиб, қадрият тушунчасини – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча, деб ҳисоблайди. “Умуминсоний қадриятлар тушунчаси, - бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажакини, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу умидлари ва идеалларини ўзида акс эттирадиган қадриятларнинг умумий шаклларини ифодалайди. Умуминсоний қадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз ҳаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир”¹.

И.Саифназаров, Ф.Саифназаровалар фикрича, “миллий-маънавий қадриятлар – мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики маънавий бойликларини қамраб олади”¹².

Умуман олганда, қадрият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг тарихий

¹¹ Қадрият/ Фалсафа энциклопедик луғат.-Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010, -326 бет

¹ Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари.-Т.: Шарқ, 1992.-Б.105.

¹² Саифназаров И., Саифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари.-Т.: Мехнат, 1997.-Б.10.

таракқиёт жараёнида яратган, ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим. Қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Қадриятларга ақидапарастлик, қироатхонлик, кўр-кўрона сиғиниш йўли билан эмас, балки соғлом ақл, фан ютуқлари, ижтимоий-маънавий таракқиёт талаблари ва имкониятларига асосланиб ёндошмоқ керак.

Диний нуқтаи назардан олий қадрият – илоҳий калом, яъни Қуръондир, шариат ҳукмлари ва муҳаммад пайғамбарнинг суннатларидир. Бинобарин, ҳар бир мусулмон назарида қадрият тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва мавжудлиги илоҳий ҳикмат, мўжизадан бошқа нарса эмасдир. Устоз А. Абдусамедов таъкидлаб ўтганларидек, “Ислом динининг асосий қомуси – Қуръони Каримни олайлик. У мафкура нуқтаи назаридан қандай баҳоланмасин, қарийб бир ярим минг йилдан бери кишиларнинг маънавий ҳаёти ва онгига таъсир қилиб келаётган, кишиларни эзгуликка етакловчи муқаддас китоб сифатида қадрланади.¹³”

Маънавиятга ва қадриятларга бериладиган эътибор, ҳамда уларнинг раванқ топиши, миллий қадриятларнинг умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштирилиши, асрлар давомида шаклланган қадриятларнинг авлоддан-авлодга етказилиши ҳар доим ҳам оддий, бир хилда ва осон кечмайди. Турли даврлардаги урушлар, босқинлар, инқилоб ва қатағонлар халқнинг юксак таракқиёти, беҳисоб манбаларни авлодга етказилиши ҳар доим ҳам оддий, бир хилда ва осон кечмайди. Турли таракқиёти, беҳисоб манбаларини йўқ қилиб, тарихий шахсларни қурбон қилди. Мисол тариқасида: милoddан аввал Александр Македонскийнинг “Авесто”ни ёқиб юборганлигини, шарқ уйғониши давриддан кейинги мўғуллар босқинини, яқин ўтмишимиздаги мустабид тизимнинг “маданий инқилоби”ни келтирмоқчимиз.

¹³ Қаранг: Абдусамедов А. Динлар фалсафаси –Т., 2010

“Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда собиқ Иттифоқ даврида миллионлаб китоблар йўқ қилинган. Улар ичида нодир нусхалар ва ноёб кўлёмалар ҳам мавжуд бўлган.¹⁴”

Қадриятларни шартли равишда моддий ва маънавий қадриятларга бўлиш мумкин. Қадрият турлари инсон фаолияти турларига мос равишда ҳам бир-бирдан фарқланади. Кишиларнинг моддий эҳтиёжларини бевосита қондирувчи нарсалар – ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари ва бошқалар моддий қадриятлар; сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий соҳаларига оид қадриятлар эса маънавий қадриятлар¹⁵ деб аталади. Ҳар қандай қадрият ижтимоий жараёнида муайян тарзда намоён бўлиб, инсон ва табиат, инсон ва инсон, инсон ва жамият муносабатларини ўзида акс эттиради ҳамда жамият ривожига жараёнида такомиллашиб боради.

Моддий қадриятга моддий ўзгариш амалиёти, моддий ишлаб чиқариш асос қилиб олинади. Албатта, бунда табиат объектлари кўзда тутилади ва у ижтимоий ҳаётнинг зарурий шартлари ҳисобланади. Табиат предметлари инсоннинг амалий фаолиятлари билан қўшилиб, ижтимоий аҳамият касб этади. Улар турли хил моддий қадриятларни ташкил этиб табиат қадриятлари деб аталади. Бундай қадриятлар амалиётнинг ривожланиши, инсон тажрибасининг ортиши, инсоният эҳтиёжларини ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида табиий қадриятларнинг ўзгаришига олиб келади. Агар илгари бутун эътибор табиат қадриятларига қаратилган бўлса (масалан, ернинг ҳосилдорлиги, сув ҳавзасида балиқнинг кўплиги, ўрмонда ҳайвонот оламининг турли-туманлиги ва кўплиги, дарёларда кемасозликнинг ривожланиши ва х.к.) эндиликда инсон фаолияти туфайли табиатнинг хонавайрон қилиниши оқибатида соф ҳаво, тоза сув ва тупроққа қадрият сифатида қаралмоқда. Уларни муҳофаза қилиш умумбашарий муаммога айланмоқда. Натижада ҳозирги кунда экологик қадриятлар юзага чиқди ва экология энг муҳим фан соҳаларидан бири бўлиб қолди.

¹⁴ Фалсафий қадриятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни –Т.: Университет, 2011, -28 бет

¹⁵ Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси –Т.: Ф.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2009, - 8 бет

А. Эркаев айтганларидек, инсон ва жамиятнинг моддий иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган қадриятлардан ташқари барча қадриятлар, маънавий қадриятлардир.

Маънавий қадриятлар моддий қадриятлар сингари маънавий жиҳатдан эскирмайди. Жамият ривожланиши билан янги маънавий қадриятларнинг вужудга келиши ва ривожланиши давом этаверади.

Маънавий қадрият инсон ҳаётининг фаолиятининг таркибий қисми, унинг меҳнати ва ижтимоий шароитлар туфайли яратилган қобилияти сифатида намоён бўлади. Буларга мисол қилиб турли-туман байрамлар, миллий урф-одат ва анъаналар, чиройли ахлоқ ва одоблар, мусика, мўйқалам устаси ижодининг маҳсули бўлган расмлар, бадиий адабиёт ва ҳоказоларни келтирса бўлади. Ҳақиқий маънавийлик фақат инсоннинг онгида, тафаккуридадир. Жамият тараққиёти жараёнида тўпланган қадриятлар ўтмиш аجدодлар қўлга киритган билим-тажрибаларнинг, маънавий маҳсулотларнинг ташувчисидир.

Буюк мутафаккир Абу Райхон Беруний, маънавий қадриятларнинг вужудга келишини ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғланган. Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларнинг бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш куруллари камлиги ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган. Беруний ҳунар, савдо-сотик, мамлакатлараро маданий-илмий алоқаларни кучайтириш, ижтимоий ҳаётда илм-фанни ривожлантириш, унинг ролини оширишнинг тарафдори эди. Шу билан бирга у араб босқинчилигини, уларнинг юртимиз маданий ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, маданий тараққиётда ворисликнинг зарурий эканлигини таъкидлайди¹⁶.

Маънавий қадриятлар ўз табиатига кўра, бирор бир керакли ахборот беради, кишининг маънавий дунёсини бойитади, яшашнинг ҳақиқий мезонларини белгилайди. Ҳуқуқий, илмий, диний ва бошқа қадриятлар тўғри

¹⁶Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси.- Т.:Файласуфлар миллий жамияти, 2004, -9 бет

ёки нотўғри бўлиши мумкин, аммо бу уларнинг қийматига путур етказмайди. Масалан, баъзилар учун энг олий қадрият бўлган урф-одат ва ақидалар бошқалар учун унчалик қадрли бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, фан соҳасида эришилган ютуқларни “илоҳий мўжиза” деб аташ ҳам фан қадриятларининг аҳамиятини бутунлай йўқотиб юбормайди.

Фанда маънавий қадриятларнинг қатор функциялари ўрганилади. Улар аввало жамият аъзоларини ўзини –ўзи тарбиялашга, аждодлардан мерос қолган қадриятлар ва идеалларга муносиб бўлишга ундайди. Бу жараёнда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчисида, маънавий қадрият жамият аъзолари томонидан онгли тарзда яратилади, яъни одамлар ўзларида мавжуд бўлган маънавий меъёрлар ва мезонлар ҳақидаги таълимотлар асосида уларга мос келадиган қадрият ва идеалларни яратади. Иккинчи ҳолатда эса, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилган билим, турли урф-одатлар ёки бошқа маданий-маърифий тадбирлар жараёнида олган таассуротлари ҳам маънавий қадриятларнинг такомиллашувига хизмат қилади.¹⁷

Маънавий қадриятларнинг шаклланишида ҳар икки ҳолатнинг ҳам таъсири кузатилади, яъни жамият аъзоларининг маънавий фаоллигини оширади, излаш ва яратувчанликка чорлайди. Маънавий қадриятлар ижтимоий онг шаклларига мос келадиган турларига бўлинади. Улар инсоннинг ақли, камолоти, дунёни билиш мақсади, билимларнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзда намоён бўлади.

Ҳар қандай маънавий қадрият бирор шаклдаги моддийликда ўз ифодасини топиб, бадий асарлар- ҳайкаллар, жозибадор санъат асарлари ва бошқаларда намоён бўлади. Маънавий қадриятлар кишилар фаолияти ва алоқаларининг намоён бўлиш шакли сифатида тарихий тараққиётнинг муаян босқичдаги жараёнларга боғлиқ бўлиб, одамларнинг турмуш тарзига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

¹⁷ Маънавий қадриятлар// Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати-Т.:Ф.Фулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009, -329 бет

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида кадриятларни янгича кадрлашга, миллий ва умуминсоний кадриятларни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Маънавий кадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини тадқиқ этиш амалий аҳамиятга эга бўлиб, аввало, жамиятни инсонпарварлаштиришга, халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги зиддиятларни оқилона бартараф этишга, жаҳон афкор оммасини ташвишлантираётган минтақавий можаролар, уруш ва тинчлик, экологик танглик, юқумли касалликлар, қашшоқлик ва хоказо муаммоларни хал этишга хизмат қилади. Умуман олганда, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, маънавий кадриятларимиз илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир.¹⁸

Демак, маънавий кадриятлар инсониятнинг оламини билиши ва ўзлаштиришида, ўзлигини англашида, ҳаёт маъносини тушунишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келади.

Кадриятлар ахлоқий тамойиллар ва меъёрларда, идеал ва мақсадларда ўз ифодасини топадиган кадрлаш мезони ва усулларини ҳам ўз ичига олади. кадрият ҳодисаларнинг объектив борлигини, объектларнинг хоссалари ва инсоний аҳамиятини характерлайди, айтилиши вақтда кишилар томонидан кадрланаётганлигини эътироф этилаётганлигини кўрсатади. Бошқача айтилганда, кадриятда инсоннинг субъектив муносабати ҳам мужассамлашгандир.

Шундай қилиб, инсоният маънавий тараққиётининг маҳсули бўлган, табиий ва ижтимоий борлиқнинг инсон ва жамият манфаатлари йўлида хизмат қиладиган ва субъектив баҳоланадиган барча нарса, ҳодиса ва

¹⁸ Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият (Тажрибавий матн) –Т.:Янги аср авлоди, 2001, -26 бет

жараёнларни ифодаловчи аксиологик тушунча қадрият дейилади. Адолат, эзгулик, тинчлик, тенглик, инсоний меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб, ростгўйлик, илм-маърифат, ватанпарварлик, ҳақиқат сингари қадрият турлари ҳамма замонларда ҳам инсоният уларни абадий қадриятлар жумласига киритади.

Нарса ва ҳодисаларнинг, ғояларнинг қадриятга айланганлигини асосан ижтимоий-тарихий мазмунга эга бўлган амалиёт орқали билиш мумкин. Чунки қадрият эҳтиёж ва манфаатнинг ижтимоий аҳамияти орқали намоён бўлади. Жамият тараққиёти жараёнида нормалар ва қадриятларни қадрлаш ҳам ўзгаради ва янгилари вужудга келади.

Қадрлашнинг таркиби ва функциялари баҳоловчи ажралмас таркибий қисми ҳисобланади, қадрлаш мазмундорлик ва конкрет шароит билан боғлиқ. Қадрлаш жараёнида шахснинг индивидуал хусусиятлари, ахлоқи, маълумоти, характери, темпераменти ҳам муайян роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам айтилади, бир вақтда, ҳатто бир шароитда яшайдиган кишиларнинг бирон-бир ҳодиса, воқеага бўлган муносабати ва уни қадрлаши турлича бўлади.

Қадрлашда индивид илмий билимга, дунёқарашга, қизиқишга, кундалик онгга, социал тажрибага таяниши ва унинг қадриятли муносабати урф-одат, расм-русум, миллий анъаналарда ўз ифодасини топиши мумкин.

Қадрлаш функциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) қадрлашнинг гносеологик функцияси. Бу функция – билимнинг воқеликка нисбатини аниқлайди, унинг ҳақиқатлилиги ва ишончлилиги мезони сифатида қадрлашда катта роль ўйнайди. б) фаоллаштирувчилик функцияси – бу билимни амалиётда қўллашга ундайди. в) дунёқараш функцияси – қадрият субъект билимининг шаклланиши, қарор топиши ва ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади, чунки у теварак атрофдаги маълум бир ҳодиса ва воқелик аҳамиятини тушунишда доимо билимга таянади.

Қадриятлар таснифи, мазмуни, моҳияти ва инсониятнинг прогрессив ривожланиши нуқтаи назаридан олий қадриятлар, инсоний ва умумбашарий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий- ахлоқий, эстетик қадриятлар, тинчлик, адолат, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, гўзаллик ва

хоказоларга бўлинади. Инсон ва унинг ҳаёти олий қадриятдир. Шунингдек, ҳамкорлик, бирдамлик, тинчлик, тараққиёт, озодлик, эркинлик, демократия ва хоказо умумбашарий қадриятлар ҳам олий қадриятлар бўлиб, миллий қадриятлардан устивордир.

Маънавий қадриятларнинг инсон томонидан ўзгартирилиши жараёнида унинг дунёқараши бойиб боради, турли соҳалардаги ижодий фаолияти янада такомиллашади.

Кишилар ўз фаолиятлари жараёнида жамиятдаги мавжуд қадриятлар билан бевосита танишадилар, уларнинг орасидан энг афзалини танлайдилар. Фаолият жараёнида янгидан-янги қадриятлар яратилади ва бошқа қадриятларга интилиш учун кенг йўл очилади. Айниқса, ҳозирги шароитда қадрият ва кадрлаш тизимининг ёшлар томонидан тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эгадир, жамиятнинг маънавий инқирозидан қутилиши кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқдир.

Маънавият инсон ҳаётининг фаолиятининг таркибий қисми, унинг меҳнати ва шароитлар туфайли яратилган қобилияти сифатида намоён бўлади. Ҳақиқий маънавийлик фақат жонли инсоннинг онгида, унинг тафаккуридадир. Бошқа маънавий қадриятлар эса инсон фаолиятининг натижаси бўлиб, маънавийликнинг меҳнат маҳсулотларига, моддий, предметли шаклга кўчгани ҳисобланади. Масалан, адабиёт, китоб, тасвирий саънат асари - шунчаки оддий предметлар эмас, улар ёзувчи ва рассомнинг ижодий фаолияти гавдаланган. Бу нарсаларнинг маънавий жиҳатлари уларнинг моддийлиги узвий боғланган. Буларда алоҳида одам-ижодкор онги фаолияти моддийлашади. Бошқа томондан, нарса-ҳодисалар бу одам маънавий фаолиятининг натижаларини ҳам тарғиб этади. Бу ердаги биринчи ҳолат - ижод, иккинчи ҳолат - маънавий қадриятларни истеъмол қилиш бўлиб, инсоннинг маданий дунёси шу билан яратилади. Жамият тараққиёти жараёнида тўпланган бойликлар ўтмиш авлодлар қўлга киритган билим-тажрибаларни, маънавий фаолият маҳсулотларни ташувчилардир.

Кўрамизки, маънавий қадриятлар ўзининг маънавийлик хусусиятига

карамасдан, барибир, моддий предметларда гавдаланган бўлади, онг билан борлиқ (турмуш), тафаккур билан ҳаракат, мақсад билан уни амалга ошириш ўртасидаги абадий карама-қаршилиқлар ана шундай йўл билан ечила борилади. Юқорида таъкидланганидек, кишилар ишлаб чиқаришни шунчаки эмас, балки ўз моддий эҳтиёжларини қондириш, истемол қилиш учун ташкил қиладилар. Моддий қадрият кишилар эҳтиёжларини қондириб, моддий ҳоссалари ва моддий шаклига кўра ўз аслини сақлаб қолади. Мана шу моддий шакл йўқолса, маҳсулотнинг ҳаракати тўхтайдди, яъни фойдасиз бўлиб қолади.

Маънавий ишлаб чиқаришда бошқача манзарани кўрамиз. Бинобарин, маънавий қадриятлардаги асосий нарса-предметлик эмас, балки, моддий шаклга кирган маънавий мазмундир. Масалан, китоб, картина, мусиқа асари ташқи кўриниши билан эмас, балки мазмун ифода этаётган ғояси билан бизни қизиқтиради. Бундай ҳолат маънавий қадриятлар, улардаги информацион (ахборотга оид) фазилатлар моҳиятини тушуниб етишини билдиради. Бунга эса белгилар ва образлар тизимини аниқлаш, уларнинг ўзига ҳос маъно ташувчи хусусиятларини фаҳмлаш орқали эришилади. Масалан, шеъриятдан завқланиш учун уни ўқишнинг ўзи етарли эмас, балки шоирнинг туйғулари, фикрлари, кечинмаларини идрок этиш лозим; тасвирий санъат (рассомлик) ни тушуниш учун санъатдаги шартлиликнинг моҳиятини англаб етиш зарур, бусиз рассом кечирган ҳолатни тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқанинг моҳиятини билиш тингловчида мусиқали таълим малакасини тақозо қилади; фан ҳақида гапирадиган бўлсак, илмий категория маъносини англаш, айти пайтда, шулар орқали фикр юритишнинг ўзига хослигини фаҳмлаш керак бўлади.

Маънавий қадриятларга хос хусусиятлардан яна бири тафаккур ва ҳиссиётнинг энг умумий шаклда намоён бўлишидир. Хоҳ санъатда, хоҳ фанда, хоҳ фалсафада бўлсин, бу нарса ўзига хос моддийлашади. Моддийлаштириш жараёнининг ўзи амалий фаолият бўлиб, малакалар,

қобилиятларни юзага чиқаришни тақозо қилади, у амалиёт сифатида эса маънавийликни моддий нарсаларга кўчиради.

Маънавий фаолиятнинг яна бир хусусияти шундаки, амалиёт ўзи ичига ниҳоятда ранг-баранг меҳнат малакаларни қамраб олади, шу сабабли, маънавий қадриятларни яратишдан кўзланган асосий мақсад - бу моддийликни идеалликка «бўйсундириш»дан иборат бўлади. Масалан, рассом оламни бошқаларга ўхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатини билдиради. Бироқ «кўргани»ни, кечирганини, кузатишларини ҳамма ҳам моддийлаштира олмайди, бунинг учун, яъни ранглар билан ижод қилиш учун алоҳида қобилият бўлиши лозим. Гипотеза асосида олим ўз фикрларини назорат ҳисоб-китоб ёки эксперимент билан мустақамлаш керак, эксперимент эса ўзига хос малакани талаб қилади. Муסיқачи учун қобилиятли бўлишдан ташқари яна ривожланган туйғу, чуқур эшитиш қобилияти ҳам зарур.

Томошабин, ўқувчи, муסיқа ишқибозларда санъат ва фан арбоблари даражасидаги ижодий малака етарли бўлмайди. Шу сабабли, асарнинг сиртки кўриниши ортида маънавийликнинг энг умумий жиҳатларини кўра олишларида қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Буни бартараф этиш учун улар ижоднинг барча «сир»ларини билиш керак; ижодкор асарининг предметли - сиртки пардасига барҳам бериб, ижодкор билан маънавий алоқага кира олиш зарур, бироқ бунинг учун маърифатли ва маданиятли киши бўлиши керак; фан, санъат асосларининг моҳиятининг тушуниш учун эса унинг қонуниятларини идрок эта олиш қобилияти зарур. Мактабда олиб бориладиган таълим ва тарбиянинг маъноси ҳам маънавий қадриятларни идрок этиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган, билимларнинг асосий соҳалари билан муомала қила олиш малакасини шакалантиришни назарда тутади. Моҳиятан, таълим маънавий қадриятларни ўзлаштириш йўли ҳамдир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”¹⁹.

Албатта, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Президентимиз фикрларини давом эттириб, “... фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авланийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман²⁰”.

Умуман олганда, маънавий кадриятлари бўлмаган миллат йўқ, миллат маънавий кадриятларнинг соҳиби, яратувчиси ва асраб авайлаб сақлаб турувчисидир. Агар ҳар бир миллат ўз маънавий кадриятларини асрамаса, бу кадриятларнинг сақланиб қолиши қийин. Миллатнинг таназзули маънавий кадриятларнинг таназзулидир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли маънавий кадриятларга эътибор кучайди. Зеро, маънавий кадриятлар мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг иродасини мустаҳкам қиладиган, унга куч

¹⁹ Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 60-61 бет

²⁰ Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 61-62 бет

бағишлайдиган асосий омиллардан биридир. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос қолиб келаётган маънавий қадриятлари узок тарихий жараёнда шаклланиб, ривожланиб келган. Уларни уч минг йилдан ортик даврни мужассамлаштирган халқимиз цивилизацияси яратган. Бизнинг маънавий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга узвий боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша каби кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Маънавий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар кўплаб учрайди. Яна шуни бир бора таъкидлаш керакки, мустақиллигимиз ҳақиқий маънавий қадриятларимизни жамият ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини англаш, улуғ аждодларимизнинг маънавий, илмий мерсини ўзлаштириш, фарзандларимизни маънавий қадриятлар асосида тарбиялаб вояга етказиш, ана шу бебаҳо бойликни асраб авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга бекаму кўст узатиш имкониятини яратди. Бу эса маънавий қадриятларимиз бойлиги ва бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

§ 1.2. МАЪНАВИЯТ ВА АКЦИОЛОГИК ОНГ ТУШУНЧАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Жаҳондаги барча халқлар тилида объектга қадриятли муносабатда бўлиш, уни субъектив кечириш ва тушунишни ифодаловчи тушунча мавжуддир. Чунончи, ўзбекларда “қадр”, русларда “ценность”, ва ҳоказо.

Қадрият тушунчаси, аввало ўзида қадриятли муносабат объекти бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ташқи хоссаларини, иккинчидан, қадриятли муносабат субъекти бўлган инсоннинг психологик сифатларини; учинчидан, одамлар ўртасидаги муносабатни тавсифлайди ва кишилар ўртасидаги мулоқот туфайли умуминсоний аҳамият касб этади.

Қадриятни назарий жиҳатдан идрок этиш тарихан фалсафий онг билан бир вақтда вужудга келган. Фалсафий онг бутун оламнинг ички алоқаларини билиш билан бирга, инсоннинг оламга қадриятли муносабатлари йўналишларини белгилайди.

Қадриятли муносабат қадимги дунё мутафаккирларининг асарларидаёқ ўз ифодасини топган эди. Қадимги файласуфлар реал оламни ва тасаввурлар оламини ё шарафлаганлар ёки танқид қилганлар, яъни оламга қадриятли муносабатда бўлганлар, уни муайян тарзда қадрлаганлар яъни оламга қадриятли муносабатда бўлганлар уни муайян тарзда қадрлаганлар. “Қадрият” фалсафий тушунча сифатида узул-кесил қарор топгунга қадар турли тарихий даврларда у “бойлик”, “фаровонлик”, “бахт” тушунчалари орқали ифодаланган. Ҳатто тизимда қўлланиб келинаётган “Саломатлик – туман бойлик” ёки “Соғлиғининг - бойлигининг”, “Ота-она ғанимат” сингари мақол ва ҳикматлардаги “бойлик” қадрият маъносида қўлланган ва тушунилган.

Европа ижтимоий-фалсафий тафаккурида қадрият тушунчаси ва муаммосининг пайдо бўлиши қадимги Грецияда жамият маънавий асосларининг инқирозига юз ўгириши, маданий анъаналарининг қадрсизланиши билан боғлиқ равишда рўй берган. Афина демократиясининг таназзулга учраши Сократни “Бойлик (қадрият) нима?” деган саволини қўйишга ва унга жавоб топишга мажбур этган. Қадимги ва ўрта аср фалсафасида қадрият тавсифига реаллик, ҳақиқий бойлик маъносини

юклаган. Инсониятнинг улуғ мутафаккирлари қадриятлари моҳияти ва мазмунини турли тарихий даврларда турлича талқин этганлар. Ана шу турлича қарашлар силсиласида қадриятларнинг умуминсоний моҳияти, ривожланиш босқичлари ўз ифодасини топган. Шундай бўлиши табиий ва тўғри эди. Чунки қадрият ижтимоий-тарихий ва фалсафий тушунча бўлиб, даврлар ўзгариши ва инсоният маънавияти юксалиб бориши билан тобора такомиллашиб бораверади.

Инсоннинг оламга бўлган муносабатида, қадриятли муносабат турларини бир-биридан ажратиш, эстетик муносабатни амалий муносабатдан, ахлоқий муносабатни диний муносабатдан фарқлаш ғоят мушкул эди. Ҳатто ҳозир ҳам гўзалликни соф эстетик маънода эмас, балки яхшиликнинг синоними сифатида қўллаш ва гўзалликни “илоҳий” дейиш ҳоллари учраб турарди.

Демак, оламни аксиологик идрок этиш жуда қадим замонларданок яхлит ҳолда мавжуд бўлиб турларга ажралмаган эди. Бинобарин, жуда узоқ вақтларданок оламга қадриятли муносабат куртаклари шаклланган ва у XIX асрнинг ўрталаридагина “қадрият фалсафаси” деб аталган. Оламга қадриятли муносабат узоқ эволюцион жараёни кечирди. Қадимги хиндларнинг эрамиздан аввалги IV асрларга мансуб бўлган “Артхашастра” рисоласида “қадриятлар тўғрисидаги фан” ҳақида фикр юритилади. “Бойлик, қадриятлар инсон ҳаётини таъминлайди, одамлар яшаётган ер қадриятлидир. ”сванскрит тилида “артха” “бойлик”, “қадрият”, артхашастра эса қадриятлар тўғрисидаги, бойлик ҳақидаги фан деган маънони англатади.

Қадимги Хитой фалсафий тафаккурида ҳам қадрият тўғрисидаги тасаввурлар ва тушунчаларнинг қандай пайдо бўлганлиги ва ривожланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ерда ҳам фалсафий тафаккур даставвал оламни мифологик тасаввур этишга асосланади. Бироқ бу унинг ривожланмаганлиги ва “тарихан чекланмаганлигидан” эмас, балки унда оламга бўлган муносабат аввал бошиданок аксиологик характерда бўлганлигидан гувоҳлик беради. Қадимги Хитой фалсафасида оламни

кадриятли идрок этишга бўлган интилиш анча кучли бўлган. Бу турлича фалсафий таълимотларда оламнинг бирламчи элементлари (осмон, ер, сув, олов ва ҳ.к)нинг кадриятли талқин этилишида яққол кўзга ташланади.

Конфуций (эрамиздан аввалги 551-473 йиллари) томонидан тузилган ва қайта ишлатилган “щу цизи” (“Тарихий китоб”ёки “Ҳужжатлар китоби”)да инсоннинг беш қобилияти; ташқи қиёфаси – бу фазилат, у хулқ-атвори катъийлаштиради, нутқ - ҳақиқатига амал қилишга ва сўзининг устидан чиқишга имкон беради, кўриш хоссаси - назокатли ва эҳтиёткор бўлиш, тафаккур хоссаси -донишманд бўлишга имкон беради. Шу асосда беш хил бахт (узоқ умр кўриш бойлик тана соғлиги рух хотиржамлиги) “донишмандликка муҳаббат” “осойишта вафот этиш” ва олти бахтсизлик (фалокат туфайли умрнинг қисқариши, касаллик, мусибат, қашшоқлик, тананинг мажруҳлиги, ақл ожизлиги) алоҳида таъкидланади.

Конфуций таълимотида “Жэнь”- инсонпарварлик, инсонга муҳаббат, одамийлик, меҳрибонлик, фозиллик, ҳамдардлик сингари маъноларни англатади. Равшанлик, бу тушунча заминда икки ярим минг йилдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган кадриятли сифат назарда тугилади. Шогирднинг жэнь тўғрисидаги саволига Конфуций жавоб берди, шундай деган эди; “Ўзининг истамаганини бошқаларга ҳам қилма, ўшанда давлат ҳам, оилада ҳам ҳеч ким сенга душманликни ҳис этмайди”. Англайдикки, қадимги хитой фалсафасида “кадрият” фалсафий категория сифатида эмас, балки кундалик турмушда қандай бўлса, шундай маънода қўлланилган. Бироқ, шунга қарамай масаланинг хурсандчилик ёки дўстликнинг қандай тури фойда ёки зарар етказади тарзида қўйилиши унинг аксиологик муаммо эканлигидан далолат беради. Конфуцийнинг шогирдларидан бири бўлган Ю-цзи шундай деган эди: “Урф-одатлардан фойдаланиш шунинг учун кадрлики, у кишиларни мурасага келтиради. Унинг сўзларида аксиологик ёндошув ўз ифодасини топган эди.

Кадриятнинг нисбийлигини тушуниш унинг инсоний табиатини тушунишига, унинг инсонга дахлдорлигини, инсон учун қимматли

эканлигини англашга имкон беради. Бирок файласуфлар инсоният оламидаги гўзаллик, адолат ва адолатсизлик, бахт ва бахтсизлик турли даврлар ва турли халқлар тасавурида нозик чегарага эга эканлигини кўрдилар.

Қадимги Хитой мутафаккирлари қадриятларнинг нисбийлигини таъкидлайдилар, бирок уларнинг ўртасига тенглик аломатини қўймайдилар, релятивизм чексиз эмас, деб ҳисоблайдилар. Қадимги хитой мутафаккирларини хизмати шунда эдики, улар субъектив баҳонинг нисбийлигини таъкидлабгина қолмай, қадриятларининг ўзи ҳам объектив нисбий характерга эга эканлигини кўрсатдилар.

Қадимги Греция фалсафий тафаккурига эътибор қаратсак, Пифагорчиларда эстетик, этик ва ақлий ривожланиш бир-биридан фарқланмас ва гўзаллик фойдалиликдан ажралмаган эди. Сократ, Платон, Аристотел қарашларида аксиологик онг барқарорлашади. Қадимги грек фалсафаси ғоят аксиологик характерга эга эди. Уни озиқлантирган ва олам тўғрисида қадриятли тасавуф берган мифологик ҳақида гапирмаганда ҳам, унинг қадриятли ибтидоси Пифагор ва Гераклитнинг космогоник фалсафаси билан узвий боғлиқ эди.

Аристотелнинг “метофизика” асарида ёзишича; “Протагор инсон ҳамма нарсанинг ўлчовидир дейиши билан фақат қуйидагиларни назарда тутган: ҳар бир одам қандай туюлса ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмасдир, у яхши ва ёмондир бошқа қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд эмасдир. у яхши ва ёмондир бошқа қарама-қарши фикрлар ҳам тўғридир чунки бир нарса чиройли бўлса бошқалари аксинчадир. Ҳар бир одамга ниманики қандай туюлса у ўлчовидир”.

Платон қарашларини бутунлай рад этиш қийиндир устига унинг танқидчиларини беғараз эдилар, деб ҳам бўлмайди. Умуман олганда, “инсон барча нарсанинг ўлчовидир” деган формуланинг илгари сурилиши аниқ гуманизмнинг қарор топиши учун оламни гуманистик – қадриятли тушуниш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Платон оламга қадриятли муносабатнинг энг муҳим моментларини, унинг хилма-хиллигини ва бирлигини очиб берди.

У энг кўп кадрланадиган бойлик ғоясига таъриф берди, “ўрганилиши керак бўлган нарсалар фақат кадрият туфайлигина ўрганилади, кадрият уларга ҳам борлиқ ҳам мавжудлик беради, кадриятнинг ўзи гарчанд мавжудликдан ташқаридадир, ўз афзалликлари ва кучи билан ундан юксакликда туради”.

Аристотель ўзининг “Катта этика” асарида кадриятни шундай таърифлайди. “Олий кадрият мукамал мақсаддир, мукамал мақсад эса, афтидан бахтдан бошқа нарса эмасдир. Бироқ бахт жуда кўплаб кадриятлардан ташкил топган”.

Аристотель кадрият ва гўзалликни бир-бири билан қориштиради, балки кадриятнинг ўзига хос хусусиятларини очишга ҳаракат қилди. “Риторика” асарида гўзалликни фойдалиликка қарши қўйди. “Фойдали нарса ҳар бир одамнинг ўзи учун кадриятлидир, гўзаллик эса дахлсиз кадриятдир”.

Аристотель аксиология учун ғоят муҳим бўлган масалалардан бири бўлган турли субъектив баҳолар ва кадриятларнинг нисбати масаласини кун тартибига қўйди. У кадриятли муносабатлар кишиларнинг ёши ва ахлоқий сифатларига боғлиқ равишда бир-биридан фарқланишини алоҳида таъкидлади. У “хилма – хил нарсалар болалар ва эркакларга, тентак ва фозил кишиларга кадрли бўлиб туюлса, бу мутлақо оқилонадир” – деб ёзади. Унинг фикрича фозил инсон ҳақиқий кадрият ўлчовидир. Кадрланишнинг мезони муаммоси аниқ дунё мутафаккирларининг доимий эътиборида бўлди. Кадриятларнинг объективлигини таъкидлаш билан бир қаторда, кадрланишнинг бутунлай субъективлиги ва нисбийлигини химоя қилувчи концепциялар ҳам мавжуд эди. Кадриятлар фалсафаси тарихида қадимги даврлар муҳим ўрин тутди. Чунки бу даврда кадриятларнинг вужудга келиши ва илк ривожланиши кўзга яққол ташланади. Дунёнинг қайси минтақасида вужудга келган бўлишига қарамай, фалсафий тафаккур даставвало оламга кадриятли муносабатда бўлиш ва бу муносабатни ўз-ўзидан англаш сифатида намоён бўлди. Қадимги цивилизациялар (Ҳиндистон ,Хитой,Гретция) фалсафий тафаккурида илк назарий кадриятли тасаввурлар вужудга келди. Қадимги фалсафа аксиологиянинг бундан

кейинги бутун тараққиётининг ўзига хос андозаси бўлиб қолди. Қадимги дунё фалсафаси қадрият категорияларини талқин этишнинг хилма- хил шакллари яратди. Жамият социал табақаланишнинг бошланиши билан уларга бўлган эҳтиёж ортиб борди.

Антик дунё сўнгида шаклланган ва унинг ўрнини эгаллаган янги давр ижтимоий ҳаёти ва ижтимоий онгнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар қилиниши, илгари барча қадриятларни қайтадан идрок этишни талаб этди. Бу аввало диний қарашларнинг тубдан алмашишида намоён бўлди. Ҳиндистондан келиб чиққан буддизим Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни камраб олди. Бундан бир неча асрдан кейин Яқин Шарқда ислом дини вужудга келди.

Диний онгнинг бошқалар устидан ҳукумронлик қилиш, аввало шундан ўз ифодасини топдики, Худо ўрта аср оламининг бош принципи, изланувчан тафаккурининг сўнги мақсади ва қадрияти сифатида намоён бўлди. Худода олий мукамаллик ва қадрият мужассамлашади. Оламга диний муносабатнинг ўзи оламни қадриятли идрок этишнинг бир кўриниши эди. Дин системасида шаклланган қадриятларни ёппасига рад этиш хато ҳулосаларга олиб келади.

Маълумки ижтимоий онг ўрта асрларда илоҳиёт руҳи билан суғорилган эди. Худо ахлоқий ва умуман бутун маънавий қадриятнинг манбаи ва моҳияти деб эълон қилинган эди. Объектив идеализм, биринчидан қадриятли муносабатларда объективлик ва субъективликнинг нисбати, иккинчидан қадриятларнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга имкон беради. Ўрта аср мутафаккирлари инсон идрокининг субъективлигини теран англаганлар. Инсон қарашлари субъектив ва нисбий бўлганлиги учун ҳам қадриятнинг объектив ва мутлоқ мезони мавжуд бўлиши керак эди. Ўрта аср тафаккури ана шу мезонни зўр бериб излади ва уни топди. Бу – Худо эди! Худо барча қадриятларни ўзида бирлаштирадиган ибтидо эди. Ўрта аср мутафаккирлари Худода барча қадриятлар бирлигини кўриш билан бир қаторда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга интилдилар. Ўрта аср файласуфларининг

барчаси маънавий қадриятларнинг моддий қадриятлардан устуворлигини алоҳида таъкидладилар.

Агар мазкур масалага инсониятнинг аксиологик онг ва уни назарий идрок этиши нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, маънавий қадриятлар устуворлигининг алоҳида таъкидланиши катта ижобий ҳодиса эканлиги аён бўлади. Шу билан бир қаторда, ислом дини руҳи билан суғорилган ахлоқий қадриятлар борлиқ ва онгнинг шундай шаклларини дунёга келтирдик, улар антик дунё фалсафаси учун номаълум эди. Ислом олами иймон сабр –тоқат, меҳр-шафқат биродарлик сингари шундай инсоний ҳислар кашф этди ва уларнинг ўзи маънавий қадриятлар сифатида намоён бўлди. Ислом дини ғоялари таъсирида шаклланган тафаккур инсон ҳаётини ва маънавий камолоти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадриятларга муқаддаслик, табарруқлик мақомини берди. Хар бир эътиқодли мусулмонинг ерга тушган китоб варағи ёки нон ушоғини кўзига суртиши ва уни эъзозлаши оламга қадриятли муносабатнинг намоён бўлиши эди.

Қ.Назаров, эътироф этганидек: « Ислом, унинг асосий қомуси – «Қуръон»да таърифлаб берилган илоҳий қадриятлар мамлакатимиз халқлари тарихи, маданияти ва маънавиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Бу таъсирни турлича баҳолаш, таҳлил қилиш мумкин, аммо унинг ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам муайян аҳамиятга молик эканлигини инкор қилишнинг иложи йўқ. Юртимиз заминида милоднинг VIII асридан кейин яшаган ҳар бир мутафаккир, олим, аллома ижодида исломнинг илоҳий қадриятларининг таъсири яққол сезилиб туради. Шу билан бирга, исломнинг юртимизда тарқалиши ва араб итилоси даврида кўпгина миллий қадриятларимизнинг йўқотиб юборилганлигини алоҳида қайд қилмоқ керак. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний «Осорул боқия» («Қадимдан қолган ёдгорликлар») асарида афсус билан ёзган.

Яша шуни таъкидлаш керакки, юртимиз халқлари цивилизацияси кадриятлари аҳли исломга ва араблар дунёси маданияти ривожига ҳам катта акс таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз.”²¹

Бу символизм диний, фалсафий ва адабий оқим бўлган сўфизимда, мутасаввуфларнинг асарларида яққол намоён бўлди. Баҳоуддун Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Машраб, Ҳувайдо каби улуғ мутасаввуфлар ўз асарларида оллоҳни “ёр”, “нигор”, “дўст”, “маъшуқа” сингари образлар тимсолида тасвирлайдилар. Сўфийлар назарида ҳақиқатга эришиш Оллоҳнинг васлига етишиш, ўзликни маънавиятга тўла бағишлаш эди.

Уйғониш даврининг гуманизм даври деб аталиши бежиз эмасдир. Чунки ана шу даврда инсонинг олий кадрият эканлиги теран англанди. Бу давр мутафаккирлари инсонни буюк мўжиза ҳар қанча мактовга лойиқ мавжудот сифатида шарафладилар. Бу эса кадрият тушунчасини излаш тадқиқ этишда янги давр бошланганлигини англатар эди.

Италиялик гуманист Лоренсо Валланинг “ҳақиқий ва ёлғон кадрият тўғрисида”ги диалогик аксиологик ёндашувида, “нарса” ва унинг “кадрияти”ни бир-биридан фарқлади. Ташқи нарсалар ўз холича ҳеч қандай ахамиятга эга эмас бироқ ташқи нарсаларнинг кадрияти шундаки, улар бизнинг қалбимиз ва танамизга роҳат берадилар. Валланинг аксиологик ёндашув учун телелогизм характеридир, ҳар қандай кадрият нима учундир ёки ким учундир мавжуддир. “Аслида табиат олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо мўйна, мрамрни бизнинг безанишимиз учун яратмадимми? Инсон қўли билан яратилган ҳайкаллар, улуғвор санъатлар, томошалар ҳақида эслатиш шартмикан, ахир дала ва узумзорлар неъматини кадрламай бўлмайдими?²² ”- деб ёзади мутафаккир.Валла “ташқи нарсалар кадрияти”ни “тана кадрияти” ва “қалб кадрияти”га ажратди. Уларга “олий химматлилик, қариндош-уруғчилик алоқалари мансаб ва бошқалар

²¹Назаров Қ. Аксиология (Кадриятлар фалсафаси) –Т.:Академия, 2011, -- 23 бет

²²Лоренсо Валла О свободе вали - М.:Наука, 1989, С.102

шунингдек, хунармандчилик билим, фан” киради. Қадриятнинг муҳум омили ноёблик ва хилма хилликдир. Қадриятнинг муҳим мезони фойдалиликдир.

Уйғониш даври тонгиёқ қадриятли ёндошиш учун муҳим ахамиятга эга бўлган “бир одам учун қадриятни бошқа одам учун қадрият билан, бир одам учун қадриятни кишилар жамоаси учун қадрият билан қандай қилиб қўшиш мумкун”, деган масала пайдо бўлди. Лоренцо Валланинг фикрича, бу қўшилиш табиий характерга эга бўлиши керак; “Ғоят бахтсиз ва ёмонлик қилишга одатланган кишиларни истисно этганда, бошқаларнинг қадрияти учун қувонмайдиган ва уларнинг хурсандчилигига сабаб бўлмайдиган кишиларнинг бўлиши мумкун эмас. Кундалик ҳаётда бошқа кишиларнинг қадриятига қувонишни ўрганиш ва бор кучимиз билан кишиларнинг севишга интилишимиз керак.

Нарса ва ҳодисаларнинг тушунишига қадриятли ёндошув Томмазо Кампанелланинг “Поэтика” номли асарида: худо сифатидаги мутлақ қадрият; мазкур нарсанинг борлиғи сифатида қадрият; бизга нисбатан қадриятни фарқланган. Кампанелла ўзининг “метафизика” асарида эса қадриятнинг “табиатига кўра” ва “бизга нисбатан муносабатига кўра” фарқланишини кўрсатади²³.

Марказий Осиёда ўрта асрларда қадрият масаласини олға сурган мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобий эди. У жаҳон маданияти равнақига катта ҳисса қўшган қомусий олим, машхур файласуф бўлиб, юнон фалсафасини кенг шарҳлаган ва уни мусулмон оламга кенг ёйган. Фаробий ўрта асрлар шароитида таълим тарбия, ахлоқ, маърифат, эътиқод, тинчлик ва меҳнат сингари умуминсоний қадриятларни улуғлади. У барча кишиларни ўзаро ҳамкорлик ва тотувликка чақирди, дунёда ягона инсоният ҳамжамияти бўлишини орзу қилди.

Фаробий кўпроқ инсон ва унинг бахти ҳаёти масалалари билан қизиқди. У ўзининг “давлат арбобининг ҳикматлари” рисоласида инсон қадри- қимматини камситувчи жамиятни қоралади, доимий урушлар ва

²³Қаранг: Эстетика Ренессанса. В 2 т.-М.:Наука, 1981. Т.1. С.416

босқинчилликка асосланувчи жамиятни адолатсизлик, жоҳил жамият сифатида танқид қилди. Фаробийнинг фикрича, бахт-саодат яхши ахлоқ, илм, меҳнат, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик сингари умурбашарий қадриятлар орқали қўлга киритилади. Фаробий ўз асарларида комил ва фозил кишиларнинг ибратли хулқ- атворларининг улуғлади, кишиларни эзгу ишларига даъват этди²⁴.

Ўрта асрнинг буюк алломаларидан бири бўлган Абу Райҳон Беруний илм- маърифат, она Ватанга муҳаббат, унга садоқат ва хурмат сингари умумбашарий қадриятларнинг мамлакат равнақи ва ободончилиги йўлидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади: “Ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчанади. Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлилигини амалга оширилиши мумкин²⁵.”

Европа Авиценна номи билан машхур бўлган Ўрта Осиёлик буюк ҳаким, қомусий олим ва файласуф Абу Али ибн Сино ўз асарларида ахлоқий қадриятларни улуғлайди. У кишиларнинг кундалик турмушидаги энг зарурий муносабатларга, камтарлик, иззат-хурмат, тўғрилиқ, ҳалоллик, софдиллик, одиллик сингари қадриятларга катта аҳамият берди. Унинг фикрича, “одамзот қадри бошқалар билан ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлиш учун интилиши, донолиги, бошқаларга яхшилик қила олишидадир. Файласуф назарида, яхшилик роҳат-фароғат ва лаззатланишга олиб келиши, ёмонлик эса азобланиш ва уқубатга олиб бориши билан тавсифланади. Ибн Сино “Ахлоқ илми ҳақида рисола”сида “иффат”, “шижоат”, “ҳикмат”, “адолат”, “сахийлик” каби инсоний-маънавий қадриятларни таърифлайди.²⁶”

Улуғ мутафаккир, шоир Алишер Навоий ўзининг бутун онгли ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, фаровонлиги ва баркамоллиги учун курашга бағишлади. У иймон-этиқод, социал адолат, дўстлик, меҳнатсеварли, вафодорлик, ватанпарварлик сингари қадриятларни тарғиб этишга катта аҳамият берди. Вафо ва дўстлик, севги ва садоқат, шавкат ва

²⁴ Фаробий Фозил одамлар шаҳри –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993

²⁵ Беруний Танланган асарлар. 5 томлик.-Т.:Фан, 1982, 3 том., -88 бет

²⁶ Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси)-Т.:Академия, 2011, -27 бет

марҳамат. Ҳиммат ва саховат, яхшилик ва тўғрилиқ каби умумбашарий қадриятлар Навоий ижодида салмоқли ўрин тутди. У инсоният бахт-саодати йўлида, Ҳақ йўлида меҳнат қилишни ва ўткинчи дунёда ўзингдан яхши ном қолдиришни чинакам инсоний саодат деб билди: Одамий эрсанг демагил одами, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Байт улуғ шоирнинг ҳаётӣ шиори ва бутун ижодий фаолиятининг мазмуни бўлиб қолди. Инсонлар тўғрисида қайғуриш ва уларга ғамхўрлик қилиш фазилати ва барча кишилар, халқлар учун хос бўлган қадриятлар Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги бош қаҳрамонлар тимсолида ўз ифодасини топган. Навоий асарларида олға сурилган ғоялар бугунги кун учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Муқимий, Фурқат сингари мутафаккирлар ҳам ўзларининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятларида умуминсоний қадриятларга юқори баҳо берганлар ва уларни эъзозлаганлар.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан боғлиқ равишда ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви, инсонларни оламга қадриятли муносабати анча мураккаблашди, оламни қадриятли тушуниш тобора объектив ва субъектив фалсафий идрок этиш соҳасига кириб борди.

Бу даврнинг улуғ мутафаккирларидан Спиноза, Вильгельм Лейбниц, Фрэнсис Бэкон, Томас Гоббс (ва бошқалар) фалсафасида қадриятлар масаласига кенг ўрин берилган.

Спиноза ўзининг “Худо, инсон ва унинг бахти тўғрисида қисқача рисода” асарининг битта бобини “Нима яхши ва нима ёмон” деб атади. Спинозанинг таъкидлашича, кишиларни бирон нарсани яхши деб аташлари унинг энг умумий ғоя билан мувофиқ эканлигини англатади. “Умумий ғоя” табиатда мавжуд эмас, бироқ у инсон ақли томонидан энг умумийлик сифатида яратилади, унинг фикрича, кишилар тушунчалар орқали гўё нарсалар табиатини тасвирлагандек бўладилар. Аслида эса улар қандайдир нарсаларнинг табиатини эмас, балки тасаввур этиш қобилиятининг ҳолатини ифода этадилар. Булар, яхшилик, ёмонлик, тартиб, тартибсизлик, иссиқлик, совуқлик, гўзаллик, хунуқлик ва хоказолардир. Спиноза бир томондан

яхшилик ва ёмонликни, иккинчи томондан эса яхшилик ва ёмонликни билишни, бошқача айтганда қадриятли борлиқ ва қадриятли онгни бир-биридан фарқлади.

Спиноза фалсафасига қарши бўлган Лейбниц, “Қадрият ва гўзаллик Спиноза айтганидек фақат биз учунгина аҳамиятли, бироқ Худога бегона бўлган нарса эмас.” Лейбниц фикрича, худо мукамаллик ва қадриятнинг объективлигини қарор топтириш учун етарли асосдир, у бизнинг фикримизнинг қандайдир натижаси эмас, балки у энг умумий табиатда мавжуддир. Лейбниц қадрият тушунчасига таъриф берар экан, “Қадрият мукамалликка ёрдам берувчи нарсадир, мукамаллик эса моҳиятдан кўпроқ нарсани ўз ичига олади. Қадриятга бўлган муайян муносабат орқали фойдалилик аниқланади. Фойдалилик яна ҳам мукамалликка ёрдам берувчидир.”

Таниқли файласуф Бэкон қадриятни идрок этишга индуктив-эмпирик йўлдан ёндошади. Бэкон қадриятни энг умумий тарзда “интилиш мақсади” деб атади. Қадрият ҳамиша конкрет субъектни тақозо қилади, у ким учундир яшайди. Бэкон фикрича, табиатда мавжуд бўлган қадрият “хусусий” ва “умумий” бўлиши мумкин. Бунинг устига табиатда хусусий қадриятга интилиш умумий қадриятга интилишдан ўзиб кета олмайди. Файласуф: “бу қонун фуқаролик ишларида ҳам амал қилса эди”- деб ёзади.

Хуллас аксиологик онг ва унинг мазмунига алоқадор ғоялар нафақат ҳар бир давр ижтимоий-фалсафий фикри, балки маънавий- ахлоқий ҳаётида ҳам марказий ўринда туради. Миллий мустақиллик туфайли аксиологик онг ва ва дунёқарашни шакллантириш миллий ўзликни англашнинг муҳим соҳаси, маънавий ислохотларнинг мазмунига айланди. Табиийки, бу жараёнда илмий қадриятлар мақомини кўтариш ва мустаҳкамлаш нафақат маънавий, балки жамиятнинг бутун соҳаларини ривожлантиришнинг интеллектуал асосини ташкил этди.

II БОБ. МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

§ 2.1 . МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАЯНЧ ҚАДРИЯТЛАРИ

“Маънавий қадриятлар тизими” аслида “маънавиятга тааллуқли қадриятлар тизими”демакдир. “Маънавият ”ва “қадрият”тушунчалари бири бири билан узвий боғлиқ бўлган фалсафий тушунчалардир. Аксиологик онг, қадриятли муносабат, қадриятли идеал, қадриятшунослик тушунчаси инсоният маънавий тараққиётининг маҳсули, инсонинг ўзига, табиий ва ижтимоий борлиққа бўлган янгича муносабати сифатида вужудга келди. Инсоният борлиққа мифологик, диний, илмий, бадий, фалсафий муносабатида бўлишидан қониқмагач, қадриятли муносабатлар типини ҳам яратдики, бу аксиологик дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Қадриятли дунёқараш фалсафий дунёқарашнинг муҳим таркибий қисми сифатида вужудга келди. Шу маънода аксиология илмий назарий эмас, балки фалсафий таълимот сифатида фалсафий фанлар тизимида алоҳида ўрин тутади.

Қадрият гарчи инсоният маънавий тараққиётининг маҳсули сифатида вужудга келган бўлса ҳам, унинг тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қадриятли онг ўзининг бутун мазмун-моҳияти билан инсоният маънавий оламини янги мазмун билан бойитди, маънавий тараққиётнинг янги йўналиши бўлиб қолади.

Президент И.А.Каримовнинг қатор асарларида, миллий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, демократик қадриятларни кенг тарғиб этиш ва инсон онгига сингдириш масалалари атрофлича баён этилди. И.А.Каримовнинг таъкидлашича, маънавият, жамият тараққиётининг асоси, баркамол инсон шахсини камол топтиришнинг муҳим омилдир. Халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, аждодларимиз илмий меросини кенг тарғиб этиш орқалигина тараққиётимизга халақит бераётган иллат ва нуқсонларини бартараф этишимиз мумкин. Таълим - тарбия соҳасида амалга

оширилаётган ислоҳотлар ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга, янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Инсоният тарихида чуқур из қолдирган улуғ мутафаккирлар жамият ва шахс ҳаётида маънавиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини, ақл ва тафаккургина инсонни бошқа мавжудодлардан фарқлайдиган, уни азиз ва қудратли қиладиган илоҳий(социал) сифат, белги эканлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Дин инсониятнинг олами билиш, ўзининг оламдаги ўрни ва вазифаларини белгилаш йўлидаги муҳим кашфиёти, маънавий тараққиёт йўлидаги улкан кадам эди. Буддизим, христианлик ва исломнинг жаҳон динлари сифатида вужудга келиши инсониятнинг маънавий тараққиётида, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан ва ўз асарлари билан жаҳон илм-фани, маданияти, цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Мусо ал Хоразимий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абулқосим Замахшарий ва бошқалар диннинг инсоният маънавий тараққиётидаги буюк аҳамиятини этироф этганлар, диний ғоя ва таълимотларга шубҳа билдирмаганлар, айтилиши вақтда илмий билимлар ва фалсафий қарашлар тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганлар. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган”²⁷.

Кўхна Шарқ фалсафаси, хусусан Марказий Осиё халқлари фалсафаси ислом ғоялари билан узвий боғлиқликда ривожланган. Минг йиллар давомида Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётида катта рол ўйнаган тасаввуф фалсафаси ислом ғоялари негизида вужудга келган, аждодларимизнинг дунёқарашини, фикрлаш тарзи сифатида қадрланган.

Ўрта асрларда дин инсоният маънавий ҳаётининг буюк раҳнамоси, маънавий ҳаётнинг мазмуни ва мундарижасини белгиловчи ягона куч эди.

²⁷ Каримов И.А Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6- Т.:Ўзбекистон, 1998.-127 бет

Ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича ёндашишларнинг ёнма-ён мавжуд бўлиши, эхтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зеро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз ранг-баранглигини ва жозибасини йўқотган бўлар эди.

Маънавий ҳаётда диний ақидалар ҳукумронлигига чек қўйиш, унинг ўрнинга ақл ва тафаккур салтанатини қарор топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган XVII-XVIII аср Ғарбий Европа фалсафаси диний тушунчаларда воз кечди. Хусусан, рухоният тушунчаси ўрнига онг, рух тушунчасини қўллай бошлади.

Онгнинг келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари илмий асосда тадқиқ этила бошлади. XVIII асрнинг 2-ярмида ва XIX аср бошларига келиб немис классик фалсафасида инсониятнинг маънавий тараққиёти масалалари, жумладан, инсоннинг билиш қобилиятлари ва имкониятлари, тафаккур тараққиётининг энг умумий қонуниятлари чуқур ўрганилди ва классик тарзда таърифлаб берилди. Инсоният немис классик фалсафаси тимсолида янги босқичга кўтарилган ва системалашган идеалистик фалсафа туфайли онгнинг, рухнинг манзарасини теранроқ идрок этиш имконига эга бўлди.

“Маънавият” категориясини тарихий - фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш орқалигина унинг мазмуни ва моҳиятини очиш мумкин. Хориж олимлари мазкур атама ўрнига кўпроқ рухоният ва рух, онг тушунчаларини қўлагани сабабли, биз уларнинг мазкур атамалар мазмунига оид фикрларни келтирамиз

Масалан, қадимги Хитой мутафаккирлари фақат рухгина биздаги ҳақиқий ҳукмдордир, деб ҳисоблаганлар. Улуғ мутафаккир Сенека:”Тана юки орта бориб рухга етади ва уни ҳаракатчанликдан маҳрум этади. Шунинг учун ҳам агар имконини қилсанг, танани сиқ ва рух учун жой бўшат”- деб ёзган эди.

Рус файласуфи Владимир Соловьёв “тана” ва “рух” тушунчаларига таъриф бериб: “тана ўзлигига эга бўлмаган, тўласича ташқарига қаратилган борлиқдир, ташқарида сочилиб кетадиган ва реал парчаланиш билан тугайдиган борлиқдир; бунга зид равишда рух ички мўйянликка эга бўлган, ўз ичига кирувчи, ўзлигига эга бўлган, ташқарига ўтмаган ва йўқолмаган ҳолда ўз кучи билан ташқарига таъсир кўрсатувчи борлиқдир. Бинобарин, рухнинг ўз-ўзини сақлаши энг аввало ўзликка эгаллигини сақлашидир. Рух ирода субъекти ва эзгулик соҳиби сифатидаги мавжудотдир”- деб ёзади.²⁸

Маънавият инсоннинг ўз-ўзини бошқариши, идора қилишидир. У маълум маънода инсон ҳаёт фаолиятининг усулидир. Маънавият инсоннинг шахс сифатидаги маълум белгиси бўлса, маънавий қашшоқлик, жоҳиллик шахснинг ўз субъектив сифатларидан маҳрум бўлиши, худди ҳайвон сингари оддий мавжудодга айланиб қолишидир.

Инсон маънавият туфайли битмас-туганмас куч-қудрат ва салоҳиятга эга бўлади. Маънавият - узлуксиз ҳаракатдаги жараён дир. Фикр тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ, маънавият ҳар доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. “Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир²⁹.”

Дарҳақиқат, улуғ мутафаккирлар инсоният тараққиётининг турли даврларида жамиятнинг ўзлигини сақлаши, ўзлигини англаши учун хизмат қиладиган ижтимоий онг шакллари ва уларнинг субъектлари (ижодкор)ни маънавий қадрият сифатида эъзозлаганлар ва кенг тарғиб этганлар.

Маънавий қадриятлар кишилик жамиятининг емирилиши, парокандалик ва инқироздан сақлайдиган унга куч- қудрат бағишлайдиган қадрият туридир. Жамият узлуксиз ўзгаришни кечириб турган ривожланиш ва инқирозлар бир-бири билан алмашилиб тургани сингари қадриятлар

²⁸Вопроси философии –М., 1988, №9, -С.19

²⁹ Каримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008

тизими ҳам бир-бири билан ҳам алмашилиб туради. Ижтимоий-сиёсий тузумларга кадриятларнинг тегишли тизимлари мувофиқ келади. Бу муҳим аксиологик қонуният сифатида кишилик жамиятининг барча даврларида амал қилиб келади.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида бир ривожланиш босқичидан ўтилганда иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари кадриятлар соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Бунда барча кадриятлар йўқолиб кетмайди, балки янги даврнинг ижтимоий тизимига ва замона реалликларининг талабларига мос келадиган, эскидан фарқ қиладиган янги кадриятлар тизими шаклланади.

Кадриятлар тизимининг алмашинуви заминида инсон эҳтиёжларининг мутассил равишда ўсиб бориши ва инсоннинг эришган натижаларидан қониқмаслиги қонуни ётади. Ҳар бир тарихий давр ўзининг маънавий-интеллектуал салоҳиятига мувофиқ муайян кадриятлар тизимини яратар экан, кадриятлар тизимидаги таянч кадриятлар жамият ва шахснинг ҳаётий эҳтиёжларини муайян тарихий даврдагина қондиради. Инсон эҳтиёжларининг чекланиши билан янги кадриятлар тизимига зарурият туғилмайди.

Ижтимоий тараққиётга цивилизациявий ёндашув ҳар бир мамлакат ривожланишининг бетакрор ва ноёб эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда инсоният тараққиётини муштарак ва умумийликка мавжудлигини истисно этмайди. Инсоният тараққиётидаги умумийлик ва айримлик, бир томондан, кадриятлар тизимининг алмаштирилиши қонуниятларини билишга, иккинчи томондан миллий кадриятлардаги ўзига хосликни билишга имкон беради.

Файласуф Тоффлер бутун инсоният тарихини: терувчилик даври - инсоният пайдо бўлгандан бошлаб то эр.ав.5000 йилгача бўлган давр; аграр жамият – эр.ав.VI минг йилликдан то XVI асргача бўлган давр; индустриал жамият – XVI асрдан XX асргача бўлган давр; постиндустриал жамият ёки

ахборотлашган жамиятга ажратади- XX-XXI асрнинг ҳозиргача бўлган даври³⁰.

Шубҳасиз, ҳар бир даврга маънавий қадриятларнинг муайян тизими мувофиқ келган. Система яратувчи қадриятларни таянч қадриятлар деб атаيمиз. Инсоният кўп асрлик тарихий давомида қадриятларнинг ахлоқ, дин, фан сингари таянч қадриятлар тизимини яратди. И.Кант ўз асарларида инсониятнинг ҳайвонот оламидан ажралиб чиқиши ва жамият бўлиб уюшишида ахлоқий онг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатган эди.

Терувчиликка асосланган маънавий қадриятлар ахлоққа асосланган. Ахлоқий қадриятлар барча ижтимоий ва сиёсий муносабатларни белгилаган. Инсон ҳаётий эҳтиёжларининг табиат неъматлари билан қаноатланиши, иқлимнинг мўътадиллиги бир неча асрлар давомида инсониятнинг табиат билан уйғунликда ҳаёт кечирishiга имкон берган. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос маънавий қадриятлар тизимини яратган.

Ҳар бир халқнинг маънавий қадриятлари ўзида тарихий давр хусусиятларини яққол акс эттирган. Масалан, ўрта асрларда Марказий Осиёда диний қадриятлар устуворлик қилган бўлса, саноатлашган жамият куриш шароитида илмий қадриятлар устувор мавқени эгаллаяпти. Бунда қадриятлар тизимининг алмашинуви бошқа қадриятлар тизимининг пасайишини аниқламайди, балки уларнинг аҳамияти янгича идрок этилади. Марказий Осиё халқларининг муқаддас китоби “Авесто”да маънавий қадриятларнинг туб илдизлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Унда инсонни ёвуз руҳлардан халос этиш ва сақлаш, кишиларда яхшилиқнинг доимий ғалабасига ишонч ҳиссини тарбиялаш, маънавий-руҳий покликни тарғиб этиш ғояси етакчилик қилади. Зардуштийлар таълимотида соғлом

³⁰Қаранг: Тоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ. – 1999, С-784

тандагина соғлом фикр бўлади, деган ақида асосида рухий соғломликка интилиш ғояси олға сурилади.³¹

Ислом динининг муқаддас китоби –Қуръони Каримнинг “Нисо”, “Бақара”, “Нур” сураларида жамиятнинг маънавий соғломлиги насл-насабнинг тозаллиги ва ахлоқий гўзалликка боғлиқ эканлиги, инсонларнинг Қуръон қоидаларига риоя этсаларгина, жамиятда маънавий баркамоллик ҳукм суриши мумкинлиги ғояси илгари сурилади.³²

Ҳадисларда ҳам кишиларни илмли ва донишманд бўлишга даъват этувчи ўғитлар мажмуаси талайгина. Ҳадисларда асосан, мусулмонларга ҳар қандай вазиятда ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳуқуқий-диний илмлар (фикх) ва дунёвий илмларнинг имон мустаҳкамлиги, ҳаёт фаровонлиги, эл-юрт тотувлиги учун аҳамияти тўғрисида фикр юритилади³³. Билимли киши ўз билганларини албатта билмаганларга ўргатиши, тарқатиши керак, “зеро, илм сир тutilмас экан, ҳалокатга учрамайди.³⁴”

Маънавий баркамол инсон ўзи билган илм сирларини бошқаларга ўргатса, илмини жамият манфаатлари учун сарфласа, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирсагина, унинг имони бутун ва виждони покиза бўлади.

Ахлоқий, диний ва илмий қадриятлар инсоният маънавиятининг таянч қадриятлари сифатида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик ва жамият тараққиёти шароитга ва халқнинг маънавий салоҳиятига боғлиқ равишда устувор қадрият сифатида эъзозланади. Ислом дини ахлоқий қадриятлар инқирозини қиёмат билан боғлайди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон

³¹Қаранг: Тохир Карим. Муқаддас «Авесто» изидан.-Тошкент, 2000

³²Қаранг: Қуръони Карим таржима ва илмий-тарихий изоҳлар. 1-Китоб, -Т.:Фан, 2004, 71, -155 бетлар

³³Ахлоқ-одобга оид ҳадис нуманалари-Т.:Фан,1990 -383 ҳадис.

³⁴Ал Бухорий Ал-Жоми ас-сахих (ишончли тўплам) 3-томли.-Т.:Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 1 Том, 35-38 бетлар

ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсон ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.³⁵”

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий нормалар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурсасиз исён бўлиши керак. шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди.

Дин ахлоқий қадриятлар ривожланишида буюк рол ўйнайди. Шахснинг барча ахлоқий сифатлари инсоний фазилат сифатида улуғланади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “ислом дини- бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик.³⁶”

Баркамол авлодни тарбиялаш умумдавлат ишига айланган ҳозирги шароитда дин имкониятларидан оқилона фойдаланиш давр талабидир. Чунки, энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ –атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан ҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида диний қадриятларнинг мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги аграр ишлаб чиқариш, ҳаёт ва фикрлаш тарзи билан боғлиқ эди. Асосан деҳқончилик маданиятининг, савдо-сотик ва хунармандчиликнинг гуркираб ривожланиши, тасаввуф ғояларининг кенг ёйилиши диннинг қадрият сифатида эъзозланишини таъминлаган.

Бироқ Марказий Осиёда етишиб чиққан буюк ақл эгалари диний қадриятлар билан бир қаторда дунёвий илм-фанни ҳам ривожлантириш ғоясини илгари сурганлар. Аждодларимиз ўз маданияти, илм-фани билан

³⁵ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Том 3.-Т.:Ўзбекистон, 1996, - 39 бет

³⁶ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6.-Т.:Ўзбекистон, 1998, -53 бет

тарихда бир неча марта жаҳоннинг олдинги марраларига чиқа олган, жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Биринчи марта Суғд, Хоразм, Бактрияда ўша даврга хос цивилизация яратилган. Яъни, янги шаҳарлар, давлатлар маданияти, ўнлаб атиқа ёзувлар, амалий санъат равнақ топган. Иккинчи марта IX-XII асрларда ўлкамизда ислом дини таъсирида илм-фан, маърифат тараққий этиб, Бухоро, Самарқанд ислом динининг ўзига хос марказига айланди. Ҳадис илми, тасаввуф илми- яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатлари равнақ топди. Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний каби ватандошларимиз жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

Учинчи марта XIV-XV асрларда Темурийлар даврида Моварауннаҳрда илм-фан, адабиёт, санъат, меъморчилик равнақ топди. Буюк Самарқандунёнинг маданий марказларидан бирига айланди.

Марказий Осиё халқлари тарихининг кейинги давларида рўй берган ижтимоий-сиёсий парокандалик ва инқирозлар, дунёвий илм-фан, хурфиқрлиликнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона таъқиқланиши билан боғлиқ эди.

Туркистонда XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракати ўзининг туб моҳияти билан илмий қадриятларни жамият маънавий ҳаётининг устивор қадриятига айлантиришга, ақл ва тафаккур салтанатини қарор топтиришга қаратилган эди.³⁷ Демак, маърифатпарварлик ғоялари ўлканинг бундан кейинги тараққиёти учун маънавий замин яратди.

Маърифатпарварлик ҳаракати ўз хусусиятларига боғлиқ равишда бир неча босқичлардан иборат бўлиб: дастлабки босқичда таниқли вакиллар Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Бердак, Фурқат ва бошқалар таълимотлари кенг ўринга эга бўлган. Кейинги босқичи эса XIX асрнинг 90 йилларида Муқимий, Завқий, Анбар Отин, Ҳамза Ҳакимзода таълимотлари жамиятда маърифат, адолат ва ижтимоий фаровонликни таъминловчи таълимотлар

³⁷Қорабоев У. Миллат камолоти.//Мулоқот Ж.1999, №2, 15-16 бетлар

сифатида танилган. Маърифатпарварлик ҳаракатининг энг юқори босқичи жадиличлик ҳаракатида намоён бўлган. “XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида юртимизда “қадимлар” ва “жадидлар” оқимлари вужудга келди. Ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришларни ўрганиш, умуммиллий қадриятларимизни жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш борасида Бехбудий, Сўфизода, Саид Ализода, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби илғор кишилар катта ютуқларга эришдилар.³⁸”

Миллий мустақиллик йилларида Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар халқимиз маънавиятини юксалтиришни, жаҳон андозаларига рақобатбардош етук мутахассис кадрлар тайёрлашни, илмий қадриятларни устивор қадриятлар сифатида ривожлантиришни, маърифатпарварлик ғояларини қайта тиклашни тақозо эта бошлади. “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

...Жамият тараққиётининг асоси уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир....маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам.³⁹”

Шундай қилиб, маънавий қадриятлар тизими жамият ва шахс камолоти учун асос бўлиб хизмат қиладиган ахлоқий, диний, мифологик, илмий, фалсафий, бадий, сиёсий, мафкуравий онг, ғоя ва муносабатлар мажмуасини ифода этади.

Илмий қадриятлар маънавий қадриятлар тизимида етакчи мавқега эга бўлиши билан ишлаб чиқаришни саноат асосида ташкил этиш, техник тафаккурни ривожлантириш, таълим тизимини дунёвий асосда ташкил этиш,

³⁸ Назаров Қ. Қадрият фалсафаси. // Ж.Мулоқот , №2, 2004, -32 бет

³⁹ Каримов И. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурамиз.Том 7.-Т.:Ўзбекистон, 1999, 135 бет

профессионализм, касбий маҳоратни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш имконияти вужудга келди.

Маънавий қадриятлар, жамият ва шахс қадриятлари маънавий ҳаёт асосини, унинг мазмунини, туб моҳиятини белгилайдиган қадриятлардир. Маънавий қадриятларда жамият ва шахс камолотининг муҳим босқичлари ўз ифодасини топади. Бу аввало, қадриятлар тизимида таянч қадриятларнинг тарихан бир-бири билан алмашинувида яққол кўзга ташланади. Яъни, ахлоқ-дин-фан; терувчиликка асосланган жамият-аграр жамият-индустриал жамият; илк давлатчилик- монархия давлати-демократик ва ҳуқуқий давлат; шахс типи оила ва уруғ бошлиғи-шахс типи тақводор диндор-шахс типи эътиқодли, билимли ва тадбиркор инсон; ижтимоий онг характери-қомусий билмидонлик-профессионализм.

Умуман олганда, мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқимиз маънавий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш орқали иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, мафкуравий, бадиий-эстетик ва бошқа муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг энг асосий вазифаси маънавий қадриятлар тизимида илмий қадриятлар устиворлигини таъминлашга қаратилгандир. Ислоҳотлар муваффақияти ўрни ва роли, илмий қадриятларнинг маънавий қадриятлар тизимидаги ўрни ва ролини янгича ва чуқурроқ идрок этишга боғлиқдир.

§2.2. ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий янгиланишлар тизимида илмий қадриятлар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг жамиятни моддий, маданий бойликларини авайлаб-асрашда ва ислохотларнинг муваффақитларини таъминлашда роли ниҳоятда каттадир. Илмий қадриятлар таълим жараёнида ўзлаштирилади. Таълимнинг вазифаси фуқаролик бурчлари, истиқлол ғоялари, демократия қадриятларга садоқатли эркин ва мустақил фикрлайдиган шахсни вояга етказишдан иборатдир. Таълимни янгича тушуниш, шахснинг эгаменлик қадриятини, унинг эркинлиги билан уйғунлаштириш, таълимни инсонпарварлаштириш ва гуманитарлаштириш каби тамойиллар асосида шахснинг интеллектуал маданиятини таркиб топтириш мумкин. Бунинг оқибати ўлароқ, инсонпарварлик тамойилларига асосланган таълимнинг янги қадриятлари юзага келади. Бинобарин, таълимни гуманитарлаштириш одамларни бу дунёда ўзларини англашини таъминлайди, таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий мақсади эса гуманистик дунёқарашни, тегишли билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга олиб келади.⁴⁰ Айни мана шу ўзаро боғланган инсоний ва интеллектуал фазилатлар мутаносиблиги таълим ва билим жараёнини қадриятли онг даражасида тушунишга, фан ва илмий қадриятлар моҳиятини тўғри англаб етишга олиб келади.

“Илмий қадриятлар” ва “фан қадриятлари” моҳиятан бир маъноли тушунчалардир. Зеро, биз илмий билимлар деганда ҳамisha фан билимларини назарда тутамиз.

Илмий қадриятлар маънавий қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми ва таянч қадрият сифатида ўзининг қатор хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари билан ажралиб туради. Илм-фанни қадрият сифатида англаш, аввало, илмий билимлар ва фаннинг жамият ва шахс ҳаётидаги буюк яратувчилик қудрати, халоскорлик вазифасини теран англаш, илмий

⁴⁰Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар-Т.:Академия, 2002, -173 бет

билимларнинг, фаннинг тараққиёти шахс эркинлиги, сўз, матбуот ва виждон эркинлиги билан, демократик кадриятларнинг қарор топиши билан боғлиқлигини англашни талаб этади.

Жаҳон илм-фани тарихида чуқур из қолдирган улуғ аждодларимиз ўзларининг ўлмас асарларида илм-фаннинг аҳамияти, куч-қудрати ҳақида қимматли ғояларни илгари сурганлар. IX асрда яшаб ижод қилган буюк ватандошимиз Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билим” (“Саодатга элтувчи билим”), Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бедил сингари ўнлаб ва юзлаб мутафаккирлар илмий-фалсафий асарларида инсон бахт-саодати, фаровонлиги фақат илм шарофатидан, барча бахтсизлик ва кулфатлар илмсизлик, жаҳолат туфайли эканлигини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Маърифатпарварлик кенг халқ оммасини илм-фанни севишга, билимли ва донишманд бўлишга даъват этувчи ижтимоий ғоя ва ҳаракат сифатида жуда узоқ тарихга, ривожланиш босқичларига эгадир.

Марказий Осиёда етишиб чиққан улуғ маърифатпарварлар Алишер Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Муқимий, Фурқат, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний ва бошқалар диннинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда дунёвий илм-фаннинг яшаш ва ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилдилар, фақатгина илм-фангина ўлкани қолоқлик ва қашшоқликдан, маҳдудлик ва жаҳолатдан халос қилиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилдилар.

Мустақиллик халқимизнинг ўзининг бой маънавий кадриятларидан баҳраманд бўлиши, илм-фанни кадрият сифатида англаш, жаҳон илм-фани равнақига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломаларни эъзозлаш, қадрлаш имконини яратди. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг қатор асарлари маънавият, илм-фан жамиятимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва келажаги буюк давлат барпо этишининг асоси эканлиги, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар халқимиз маънавий

салоҳиятини юксалтиришга, илм-фанни раванқ топтириш масалаларига эътибор қаратилган.⁴¹

Илмий қадриятларнинг маънавий қадриятлар тизимида тутган ўрнини белгилашдан олдин, унинг туб моҳияти, таркиби ва функциялари ҳақида фикр юритсак. Аввало, илмий қадриятлар нисбийдир, чунки илм-фан жамиятнинг барча аъзолари учун эмас, балки жамиятнинг энг юқори – элитар қатлами томонидангина қадрият сифатида англанади. Аини вақтда илм-фанга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган зиёлилар учун илмий қадриятлар олий қадрият, ҳаётнинг маъноси, ўзликни намоён этиш воситаси сифатида англанади.

Худди шунингдек, илмий қадриятларнинг умумбашарий қадрият эканлигини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Ҳар бир инсон ўзининг ижтимоий келиб чиқиши, ирки, миллати, жинсидан катъи назар ўзининг маънавий-интеллектуал қадриятлари ва талатини рўёбга чиқариш учун илмий қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва уни ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Барча демократик мамлакатларнинг конституциясида ҳар бир фуқаронинг илм олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланиши алоҳида таъкидланади.

Илм-фанни қадрият сифатида англаш жамиятдаги бирон бир тоифага, табака ёки синфга берилган имтиёз эмас, балки инсоннинг табиий ҳуқуқидир. Бироқ бу табиий ҳуқуқдан фойдаланиш учун кишилардан интеллектуал салоҳият, кучли хотира, танқидий фикрлаш қобилияти ва ҳақиқатни севиш талаб этилади. Илм-фанни қадрият сифатида англайдиган ва унга ўзини бағишлаган кишилар илм-фанга осонгина ҳаёт кечириш, фаровон ва тўқ яшаш воситаси деб қарамайдилар. Улар илм заҳматларидан эришган ҳар бир янгиликдан халоват ва хузур топадилар. Туғма интеллектуал қобилиятга эга бўлган ёшлар мамлакатимизнинг бебаҳо бойлигидир ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилади “таълим тўғрисидаги” Қонунинг бош мақсадидир.

⁴¹Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами. Том 1-19.-Т.:Ўзбекистон, 1996-2011; Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008; Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида –Т.:Ўзбекистон, 2012.

Илмий қадриятлар – кишилардаги интеллектуал-маънавий қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқариш, аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, воқеликни тадқиқ этиш орқали янгилик ва кашфиётлар яратишга имкон берадиган ғоялар, асарлар, Ўқув ва илмий муассасалар, олимлар жамоаси, илм аҳллари мажмуасидир.

Илмий қадриятлар кенг қамровли фалсафий тушунчадир. Бу тушунча фандаги ворисийлик, анъанавийлик, новаторликни диалектик тарзда уйғунлаштиради. Илмий қадриятлар таркибига энг аввало инсоният тарихида чуқур из қолдирган барча буюк алломаларимизнинг ўлмас асарларини киритиш мумкин. Ҳар бир соҳадаги олим фан тарихини чуқур билмай, улуғ олимларнинг илмий назарияси ва илмий билиш методларига таянмай туриб янгилик ярата олмайди. Мантиқ қонунлари илм аҳлларини хатолардан, янглишишлардан қутқарувчи муҳим қуролдир.

Олим фактлар билан иш кўрувчи, илмий фактлар йиғувчи, уларни таҳлил қилувчи, илмий хулосалар чиқарувчидир. Илмий қадриятларнинг бошқа қадриятлардан афзаллиги, устунлиги – унинг ишончли, мантиқлий таҳлилда ёки тажрибада синалган билимлар беришидир.

Илмий қадриятларнинг яна бир муҳим таркибий қисмини илмий асарлар, қўлёзмалар, тарихий обидалар, ёдгорликлар ташкил этади. Илмий билимлар тарихи ёзувнинг кашф этилишидан бошланиши, аслида цивилизацияли тараққиётнинг бошланиши ҳам эди. Энг қадимий илмий билимлар ёзма ёдгорликлар, китоблар, тарихий обидалар сифатида бизгача етиб келган ноёб қадриятлардир. Уларнинг давлат ҳимоясига олиниши, авайлаб асралиши асло бежиз эмасдир. Турли тарихий даврларда яшаб ўтган улуғ алломаларнинг илмий тафаккури ўз даври савиясидан шу қадар юксакликка кўтарилганки, ҳатто ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Улуғ аждодларимизнинг қарашлари, ғоялари, орзу-умидлари ўз ифодасини топган илмий асарларга ҳурмат билан қараш ва уларни қадрлаш ҳар бир инсоннинг маънавий салоҳияти қай даражада эканлигини кўрсатувчи ўзига хос мезон ҳисобланади.

Илмий қадриятлар таркибини таълим-тарбия ва илмий муассасалар ҳам ташкил этади. Ўқув муассасалари – хоҳ хусусий, хоҳ давлат ўқув юртлари бўлишидан қатъи назар ўз олдига эзгу мақсадни – ёшларга фан асосларини, фан янгиликларини сингдиришни, ёшларда илмий тафаккур ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Таълим муассасаларнинг асосий мақсади – рақобатларга бардош бера оладиган ўз ихтисосини пухта биладиган комил инсон шахсини вояга етказишдир. Фан техника ва информация асрида ҳар қандай мутахассис фан асосларини пухта эгаллаш орқалигина бирон-бир муваффақиятга умид боғлаши мумкин. Илмий билимлар ҳар бир мутахассиснинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, уни қўрқмас, жасур ва ҳозиржавоб бўлишга ўргатади.

Фан қадриятлари кенг маънода тадқиқотчилар томонидан борлиқ қонунларини мантиқан ўрганиш жараёнида юзага келган ғоялар, концепциялар, таълимотлар, тадқиқот усуллари, умуман шу жараёнда ишлаб чиқарилган илмий маҳсулотларни билдиради. Бу билимлар мажмуасининг илмий қадриятларга айланишида жамият ва шахс манфаатлари, интеллектуал фаолиятлари, эҳтиёжлари, уларнинг моҳияти-мазмунини, йўналиш ва характери муҳим ўрин тутди. Кенг маънода фан тушунчаси инсон фаолиятининг тарихан шаклланган турини назарда тутди, фаолият шакли сифатида фан аввалдан одамзодга номаълум, лекин янги ишончли билимларни яратишдан иборатдир. Аслини олганда фан тушунчаси инсон билиш фаолиятининг конкрет билимлар шаклидаги маҳсулидир. Бу билимлар табиат, жамият ва тафаккур объектлари билан узвий алоқадорликни кашф этиб, мунтазам равишда далилланиб ва тўлдирилиб борилади.

Илм-фанни қадрият сифатида англаш таълим-тарбия ва илмий муассасаларга муқаддас даргоҳ сифатида қарашни, уни қадрлашни, авайлаб асрашни тақозо этади.

Илмий тадқиқот институтлари – илмий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бундай табаррук масканларда олимлар илмий кашфиётлар қиладилар.

Демак, илмий қадриятларнинг субъекти ҳам объекти ҳам заҳматкаш олимлардир. Бутун жамият аъзоларининг илм-фанга бўлган муносабатлари олимларга бўлган муносабатда яққол кўзга ташланади. Олим ҳақида ғамхўрлик қилиш, фанга ҳомийлик қилиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш демократик ва тараққийпарвар давлатнинг бош вазифасидир. Миллий мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг илм-фан аҳлларини ижтимоий ҳимоялаш, фан тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиш борасида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида кўп ёзиш мумкин. Бирок илм-фан, таълим-тарбия соҳасида тўпланиб қолган муаммолар олимлар ҳақида давлат томонидан қилинаётган ғамхўрликларнинг ўзи етарли эмаслигини, илм-фанни ривожлантириш, янги илмий кашфиётларни рағбатлантириш учун нодавлат ташкилотлар, кўнгилли уюшмалар, турли жамғармалар фаолиятини кучайтиришни тақозо этади.

Илмий қадриятлар комил инсон шахсини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, айниқса таълим жараёнида кишиларда ижобий ахлоқий сифат ва фазилатлар шаклланади. Фан кишиларни қайсар ва камгап қилиб қўйиши, бироқ у айна вақтда қайси қоидалар исботга, қайсилари тахминга асосланишини кўрсатиши, фарқлаш ва истисно этишга ҳам ўргатиши мумкин. Фанлар вазиятлар моҳиятини очиб беради, қиёслаш орқали хатоларни тушунишга ёрдам беради, хатолардан эҳтиёт бўлишга ўргатади. Умуман олганда, фан кишиларни ахлоқан поклайди.

Олимлар меҳнатдан ва илмий машғулотлардан, ақл учун ғоят фойдали бўлган иш ҳаракатларидан лаззат оладилар. Зеро, олимлар барча кишиларнинг энг тиниб-тинчимасдир, илм иши уларнинг бутун борлигини тўла қамраб олади ва ўзига жалб этади.

Таълим инсон табиатини тuzатади ва уни яхшилайти. Таълим олимларда эътиқод собитлиги ва бурчга садоқатни тарбиялайди. Олимлар ўзлари кундалик ҳаётда мулоқотда бўладиган ёки биргаликда яшайдиган кишиларга ғоят қийинчилик билан мослашадилар. Бунинг сабаби иккита. Биринчиси – улар руҳининг улуғворлиги, шу туфайли айрим кишиларга

эътибор бериш, улар билан майда-чуйда масалалар бўйича мулоқотда бўлиш гоят уқубатлидир. Иккинчиси - бу уларнинг ҳалоллиги ва оддийлигидир. Бошқа кишига қаратилган ҳақиқий ва тўғри диққат унинг характерини билиш, сўнгра у билан мулоқотда бўлиш учунгина қаратилади. Олимларнинг яна бир хислати шундаки, улар нарсаларга ва ташқи кўринишга унча эътибор бермайдилар.

Фаннинг аҳамияти фуқаролик ишларида одамлар томонидан йўл кўйилган хатоларни бартараф этиш билангина чекланмайди, балки табиат томонидан инсон ҳаёти учун туғдириладиган қийинчиликларни бартараф этишда ҳам фан муҳим роль ўйнайди.

Таълим инсонни кўполлик ва мутакаббурликдан сақлайди. Таълим энгил-елпи фикр юритишни, ножиддийликни ва манманликни йўқотади, шу билан бир қаторда туғилиши мумкин бўлган барча хавф-хатарлар олдини олишга, барча далил ва исботларни ақл тарозисига солиб кўришга мажбур этади, биринчи бўлиб ўзига жалб этадиган жозибадор кўринган нарсаларга ишонмасликка, фақат тадқиқ этгандан кейингина иш бошлашга ўргатади.

Таълим ўлим ва бахтсизлик ёнидаги кўрқувни йўқотади ёки уни озайтиради. Билим кўрқувдан халос бўлишга ёрдам беради.

Фан ақлни ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмасликка ундайди, ўз камчиликлари билан муроса қилмасликка чақиради, уни фаол ҳаракатга ва баркамолликка даъват этади.

Илм-фан инсонни фазилатли қилибгина қолмай, қудратли ва матонатли ҳам қилади. Таълим инсон табиатини улуғвор қилади. Илмли кишилар салобатли ва сирли бўлиб кўринадилар.

Фан берадиган ҳузур ва лаззатланиш бошқа ҳар қандай лаззатдан устундир. Фан туфайли инсон самовий юксакликларга кўтарилади.

Фанга хос бўлган қадриятлар ичида илмий ҳақиқатни излаш, уни ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутади. Аристотельнинг “Платон менинг дўстим, бироқ ундан ҳам ҳақиқат қадрлироқдир” ибораси машҳурдир. Илмий ҳақиқат йўлида ҳатто ҳаётини фидо қилган жуда кўплаб олимларни эслаш мумкин.

Олим эълон қилинган асарлари ва илмий ишларида, ўзи шуғулланаётган фан соҳасида нималар қилганлигини яхши билиши; ўз тадқиқотлари ва асарларида кимларнинг ғояларидан фойдаланганлигини аниқ кўрсатиши ва ўзи қандай янгилик яратганини эътироф этиши керак.

Фан маҳсулотлари фақат билимлардангина иборат эмас, шу билан бирга, унга эришишда кузатиш ва экспериментнинг ранг-баранг усуллари, воситалари, ускуналари, қурилмалар, ўлчаш услубиёти, уларни асраб-авайлаш, қайта ишлаш, информация жараёнига узатиш имкониятларини ҳам ўз ичига олади. Демак, илмий қадриятлар илмларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки улар жамиятнинг маънавияти таркибига узвий қўшилиш оқибатида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, инсоний манфаатларга хизмат қилиш асосида қадрият тусини олиши мумкин.

Илмий фаолиятнинг ўзига хослиги шундаки, унинг натижалари эътироф этилса ва ҳамкасблар томонидан фойдаланилсагина унинг самарадорлиги шунчалик ортади.

Илм-фан қадриятлари нафақат истеъдоднинг намоён бўлиши, шу билан бирга, жамият, табиат ва тафаккур тараққиёти қонунларини кашф этиш, эгаллаш, борлиққа гносеологик, интеллектуал ёндошиш малакаларини таркиб топтиришга, жамиятнинг илмий салоҳиятини оширишга самарали таъсир этиши ҳамдир. Шу маънода илмий қадриятлар моҳиятан кишиларда назарий фикрлаш қобилияти ва истеъдодини, оламнинг тараққиёт қонунларини ўрганишга эҳтиёжини қондиришдан манфаатдорлик туйғусини рўёбга чиқариш, илмий меросни чуқур ўрганиш, янгилик ва кашфиётлар яратишга даъваткор ғоялар, фундаментал асарлар, шунингдек ўқув ва илмий муассасалар, тадқиқотчи олимлар жамоаси, илм фан аҳиллари мажмуини назарда тутди.

Маънавий қадриятлар тизимида таълим-тарбия, илмий муассасалар қадрият яратувчи, уни тақсимловчи, авлоддан-авлодга етказувчи восита сифатида муҳим ўрин тутди. Фан асослари, фан янгиликларини сингдириш, ёшларда илмий тафаккур ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш

тизими илмий қадриятларни яратиш ва ривожлантиришда тадрижийлик ва узлуксизликни тақозо этади. Демак, шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истемолчиси ва уларни амалга оширувчиси экан, табиийки унинг интеллектуал маданиятни қарор топтириши ижтимоий тараққиётнинг вазифаси саналади.

Шундай қилиб, илмий қадриятлар маънавий қадриятлар тизимида етакчи мавқега эга бўлиб, таянч қадрият сифатида ривожланади. Илмий қадрият асосида маънавий қадриятларнинг барча ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, бадий, фалсафий элементлари интеллектуаллашади.

Айниқса, фан-техника инқилоби шароитида фан этикаси, олим масъулияти илмий қадриятларнинг туб асосини ташкил этади. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилаётган ҳозирги шароитда илм аҳлларининг юксак гражданлик позицияси, илм-фан ривожини йўлидаги фидойилиги, ватан ва халқимизга садоқати сингари фазилатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

III БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАҚОМИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

§3.1. ЖАМИЯТ ТАҚҚИЁТИ ЖАРЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАҚОМИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Фуқаролик жамиятининг маънавий қадриятлари тизимида илмий қадриятлар таянч қадрият сифатида алоҳида ўрин тутди. Чунки, бир томондан демократик эркинликлар илм-фан тараққиёти учун қулай шароит ва имкониятлар яратса, иккинчи томондан, илмий қадриятларнинг ривожланиши, яъни жамият аъзолари томонидан илм-фаннинг жамият ҳаётидаги аҳамиятининг чуқур англаниши, илмий қадриятларнинг эъзозланиши ва устувор қадрият сифатида идрок этилиши жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти кишиларнинг онглилиги, сиёсий ва ҳуқуқий билимдонлиги, фаоллигига асосланади.

Жамиятнинг бугунги маънавий ҳаёти илмий тафаккур асосида кечар экан, унинг ривожланиш истиқболлари илм-фан хулосалари асосида белгиланади. Ижтимоий тараққиёт йўлида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишга илмий асосда ёндашилади. Интеллектуал салоҳият профессионализм ва юқори малака замонавий илм-фан асосида шаклланади ва шахснинг муҳим социал фазилати сифатида қадрланади. Жамиятнинг нафақат сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаёт, балки ахлоқий, бадий-эстетик, экологик ва бошқа қадриятлари ҳам илм-фан асосида шаклланади ва ривожланади. Умуман, демократик жамият тараққиётини илм-фан тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. “Мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан.-деб ёзади Президентимиз И.Каримов.- фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллиги, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги

йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканлигини исботлаб, Тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.⁴²”

Миллий мустақиллик улуғ аждодларимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш, уларнинг илғор анъаналарини давом эттириш, Ўзбекистон заминида озод, эркин, фуқаролик жамияти қуриш имкониятини берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, энг аввало, илм-фанни тараққий эттиришни, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис – кадрлар тайёрлашни талаб этаяпти. Бугунги кунда “бизнинг халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш керак бўлади.⁴³”

Илм-фан инсонни абадийлаштирадиган, уни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этадиган қадрият эканлиги ислом динининг муқаддас китоблари бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда, донишманд халқ оғзаки ижодиётида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Имом Муммад ибн Исмоил ал Бухорий Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги сўзларини такрорлашни севарди: “марҳум киши ўзидан одамлар фойдаланадиган илм-фанни қолдирсагина одамлар орасида яшашда давом этади.⁴⁴”

Буюк муҳаддис илм-фан инсон учун хизмат қиладиган, унга фаровон ҳаёт қуришга имкон берадиган даврларни орзу қилди. Имом Бухорийнинг фикрича, фан ва маданиятда мужассамлашган инсон тафаккури ютуқлари барча халқларнинг фаровонлиги учун хизмат қилиши керак.

Имом ал Бухорий “Ал –жоми ас-Саҳиҳ” асарида илм-фанни ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор берди ва Қуръоннинг 58-сура 2

⁴² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Том 7.-Т.:Ўзбекистон, 1999, -150 бет

⁴³ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1.-Т.:Ўзбекистон, 1996, -82 бет

⁴⁴Бабахонов Ш.З. Бухари и его место в истории ислама.-Т.:Фан, 1991, С.26

оятида Ахлоқ эътиқодли ва илмга эга бўлган кишилар кадр-қимматини юксалтириши айтилганини ёзади.⁴⁵

Илмий кадриятларнинг инсон ва жамиятнинг маънавий камолотидаги аҳамияти масалалари Мусо ал Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирларининг асарларида муҳим ўрин тутган. Улар илмий кадриятларнинг авлодлар ва замонларни бир-бири билан боғловчи халқа, инсонни ахлоқан покловчи ва эзгуликка даъват этувчи муҳим восита сифатида тавсифланганлар. Буюк мутафаккир Ал Хоразмий эътироф этганидек: “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдирадилар, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди.”⁴⁶

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуг мутафаккирлар эътиқод далиллари билан ақл далилларини ўзаро мувофиқлаштиришга, кенг оммани дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллашга, олам сирларини билишга даъват этганлар.

Фаробий билишни буюк бахт деб эълон қилди. Унинг ёзишича, ақл ва тафаккурсиз бахтга эришиб бўлмайди. Инсон табиатнинг гултожидир. Инсон ўз ақли ва тафаккури билан бошқа барча мавжудотлардан устун туради. Соғлом ақлга эга бўлган кишиларгина табиат сирларини била оладилар. Ҳар бир киши бахтли бўлиш имкониятига эга бўлган, нарсалар моҳиятини билишга бутун кучини бағишлаган кишиларгина рўёбга чиқара оладилар.”⁴⁷ Форобийнинг идеалига кўра фозил шаҳар ҳокими ўз фуқароларининг мураббийси, устози бўлиши, уларни фанга ўргатиши ва уларга бахтли бўлиш

⁴⁵ Қаранг: Ал Қуръон ал Карим таржимон ва тасвир қилувчи Олтинхон Тўра.-Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.

⁴⁶Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар.- Т.:Фан, 1983, -59 бет

⁴⁷Қаранг: Форобий Фозил одамлар шаҳри –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993

йўлини кўрсатиши керак. Бироқ бундай мураккаб талабларни битта ҳоким шахсида мужассамлаштиришнинг ғоят мушкул эканлигини кўрган мутафаккир давлатни гуруҳ бўлиб бошқариш ғоясини илгари сурди. Форобийнинг фикрича, фозил жамият илмий ва ахлоқий кадриятларни эъзозлаши, улуғлаши лозим.

Абу Райхон Беруний ўзининг қатор асрларида илмий кадриятларнинг туб асослари инсон табиати ва жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларида эканлигини кўрсатди. Унинг ёзишича, инсон табиати шундайки, у яширин, сирли нарсаларни билишга интилади. Билиш истаги инсонга Аллоҳ томонидан ато этилган мақтовга лойиқ сифатдир. Беруний бу интилишни юксак ахлоқий фазилат, одиллик деб баҳолади. Билишни истамаслик ёки воқеликни бузиб талқин этишни, илм олишга тўсқинлик қилишни эса адолатсизлик, золимлик деб атади.

Беруний илмий кадриятларнинг ахлоқий ва эстетик кадриятлар билан узвий боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. “Ҳиндистон”асарида илмий кадриятлар ўз табиати кўра, ҳурмат, моҳиятига кўра муҳаббат уйғотишни, ўзига хос гўзаллик билан кишини жалб этишни кўрсатади. “Илмий ўз зоти билан матлубдир, ҳақиқатдан ҳам у барча нарсалардан лаззатли. Илмдан бошқа қандай нарсаларда манфаат зоҳирроқ ва қандайда фойдали кўпроқ бўлади? Фақат илм билангина ҳам динни, ҳамма учун ҳайрли ишларни қилиш ва уларга зарар келтиришдан сақлаш мумкин. Агар (илм) бўлмаганида (бизни) жалб қилаётган (наrsa) ёмонлик эмаслигига ва четланаётган (наrsa) яхшилик эмаслигига ишонч бўлмас эди”.

Берунийнинг фикрича воқеяликни илмий билишни фазилат деб эълон қилиш, юксак идеаллар йўлида курашиш жасоратдир. Билимларни кўпайтириш, олимларни кундалик ташвишлардан халос этиш жамиятни бошқараётган кишиларнинг бевосита бурчидир. Беруний илмий билишдан лаззатланиш фақат инсонгагина хос эканлигини, у ҳайвонларга хос ҳиссий лаззатланишдан бутунлай фарқ қилишини алоҳида таъкидлади. Беруний фикрича, илмий кашфиётлар, фан маълумотларидан инсоният фаолиятининг

барча сохаларида ҳал қиливчи роль ўйнайди. Инсон фаолиятининг бутун маъноси фаровонлик яратиш, фойда кўриш ва зарарли нарсалардан қочишдир. Инсон кундалик ҳаётда фойда билан зарарни, яхшилик билан ёмонликни, чин ва ёлғонни бир - биридан фарқлашга қийналади. Шунинг учун ҳам ақл ва илм йўлида бориш орзиқиб кутилган натижаларга эришишга имкон беради. Бинобарин, илм – фан Берунийнинг ёзишича, кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруриятидан пайдо бўлган.

Берунийнинг ёзишича, Илмий изланишларнинг самарали бўлиши учун аввало олимнинг “ишончли, йўлда бўлиши..... сўнгра ҳосил бўлган натижасига хотиржам (қараб), бундаги амални тўлиқ ёзиши ва унинг бирор ихатини сир тутмаслиги керак⁴⁸”.

Таниқли ислом илоҳиётчи Абу Ҳамид ал Ғаззолий ўз асарларида диний илмнинг зарурлигини ва фойдалилигини алоҳида таъкидлади. Ғаззолий ўткинчи дунё ва унинг лаззатларини билиш зарурлигини бутунлай инкор этди, уни гуноҳ деб эълон қилди. Табиат гўзалликларида Аллоҳнинг донолиги ва меҳрибонлиги яширинганлигини назарда тутмайдиган билим, яъни эътиборга арзимади, деб ёзади. Илмий қадриятлар фақат диний илмларгина эмас, балки дунёвий илм- фан ва фалсафани ҳам ўз ичига олади. Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ мутаффаккирлар диний ва илмий қадриятларни бир- бирига қарши қўймаганлар, аксинча, диний қадриятлар тимсолида инсон ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий камолотини, имон- эътиқод тарбиясини, илмий қадриятлар тимсолида эса интеллектуал тараққиётни, ижтимоий фаровонлик омилини кўрганлар. Фалсафий таълимотлар илмий қадриятлар йўналиши ва мазмунини белгилайдиган умуминсоний маънавий қадриятдир. Турли тарихий даврларда қандай фалсафий таълимотларнинг қадрланишига қараб ё диний, ёки дунёвий илмлар сифатида эъзозланади. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф фалсафасининг кенг ёйилиши ва хатто унинг сиёсий мафкурага айланиши билан асосан диний билимлар қадрият сифатида ривожлантирилди ва кенг

⁴⁸Беруний танланган асарлар 3- томлик.-Т.:Фан, 1982, б.63

тарғиб этилди. Натижада IX-XII асрларда Марказий Осиёда равнақ топган ва жахон илм – фанида ривожига баракали таъсир кўрсатган дунёвий илм-фан кейинги даврларда ўз мавқеини йўқота бошлади. Темурийлар даврида (XIV-XV аср) дунёвий илм-фаннинг мавқеини тиклаш ва уни ривожлантиришга уринишлар бўлди. Оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги аввало бутун инсоният маънавий- рухий оламнинг бир бутунлигидадир. Шарқ ва Ғарб тимсолида инсониятнинг маънавий олами бир- бирини тўлдирувчи ва бир-биридан озиқланувчи икки қутбга ажралди. Ғарб дунёси Уйғониш даврида (XV-XVI аср) кўхна илғор фалсафий мерони, илмий қадриятларни ҳар томонлама чуқур ўрганди ва уни янги шароитда жадал ривожлантира бошлади. Илмий қадриятларни таянч қадрият сифатида эътироф этиш , ижтимоий- сиёсий ҳаётда Ақл ва Тафаккур салтанатини, шахс эркинлигини қатор топтириш даври Европа тарихига Янги замон номи билан кирди.

Европа маънавий ҳаётида илмий қадриятлар устуворлигини таъминлаш илмий далилларга асосланувчи янги замон фалсафасининг бош мақсади эди. Френсис Бэкон “Фанларнинг афзалликлари ва уларни кўпайтириш тўғрисида”(1605 йил) асарида “Менинг мақсадим ҳеч бир бўёқсиз ва муболағаларисиз фанларнинг бошқа нарсалар ўртасидаги ҳақиқий салмоғини кўрсатиш ҳамда илоҳий ва инсоний далилларга таяниб, унинг ҳақиқий аҳамияти ва қадриятини аниқлашдир”- деб ёзди. Сўнгра мазкур вазифани ва бажариш учун турли шаклларда намоён бўладиган илмсизлик ва нодонликка қарши фанни ҳимоя қилишга, уни илоҳиётчиларнинг ҳасадгўйлиги, сиёсатчиларнинг калондимоғлиги ва олимларни хатоларидан тозалашга ҳаракат қилди.

Фаннинг қадрият сифатида англаниши ва институтлашуви XVII-XVIII асрларида Ғарбий Европа жамиятида рўй берган муҳим социал-иқтисодий, маданий ва илмий – маърифий соҳалардаги ўзгаришлар ва бутун ижтимоий ҳаётнинг рационаллашуви билан узвий боғлиқ эди. Буюк немис файласуфи Макс Вебер таъкидлаганидек, капитализм (хўжалик юриртишининг алоҳида шакллари) шароитида фан кишиларнинг касб-корига, инсоний моҳиятни

рўёбга чиқариш воситасига айланди. XIX аср ўрталарида табиатшунослик фанларида эришилган буюк муваффақиятлар оламнинг илмий манзарасини янги тавсифлашга, илғор фалсафий таълимотлар яратишга кучли туртки берди. Позитивизм ва антипозитивизм, сциентизм ва антисциентизм сингари фалсафий оқим ва мактаблар фан имкониятлари ва куч-қудратини ё хаддан ташқари бўрттиришга, ёки унинг аҳамиятини шубха остига олишга қаратилган эди.

Фан инсон фаолиятида ўзининг мавқеига эга, унинг асосий функцияси реаллик ҳақида объектив билимларни яратиш ва тизимлаштиришдан иборат. У олам моҳиятини англашга қартилган янги билимни яратувчи ижтимоий онг шаклларида биридир. Фаннинг мақсади, доимо ўзи кашф қилган қонунлар асосида реалликдаги ҳодиса ва жараёнларни изоҳлаш, тушунтириш ва башорат қилиш билан боғлиқ. Шартли равишда фанлар тизимини табиий-илмий, ижтимоий гуманитар ва техника фанларига бўлиш мумкин. Одатда, илмий фаолият ҳажми, ахборотлар, кашфиётлар, ходимларнинг сони доимо кўпайиб бораверади. Фан тараққиётида эсакин нормал ва инқилобий даврлар бир-бири билан алмашинади, илмий инқилоблар деб аталмиш жараён унинг структураси, билиш тамойиллари, категориялари, методлари ва ташкил қилиш шаклларида ўзгаришига олиб келади⁴⁹.

Фанда анъанавий коммуникатив, яъни йиғилган билим натижалари асосида ҳаракат қилиш қабул қилинган. Бу ерда ҳақиқий билим мисқоллаб йиғилади.

Фан моҳиятан одамлар мушқулини осонлаштиришга, қийинчилик ва укубатлардан озод қилишга, инсоният учун хизмат қилишга, табиат сирларини билиш ва ўзлаштириш орқали миллий бойликни кўпайтириш ва одамлар ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилгандир. Фаннинг инсонпарварлик, тараққийпарварлик моҳияти

⁴⁹ Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан мутаносиблиги//Ўзбекистондаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фалсафа фанининг ўрни.-Т.,2011, -19 бет

нафақат ўзи учун, шунингдек бугун жамият учун ҳам қадрият эканлигидан далолат беради.

XXI асрда ахборот технологияларининг ривожланиши, компьютерларнинг инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб бориши илмий билимлардаги интеграция жараёнларини икки йўналишда фалсафий фанлардаги интеграциялашув ва умумилмий билимлардаги интеграциялашув жараёнлари йўналишида ривожланди. Олам илмий манзарасининг ўзгариши, “универсал эволюционизм” тамойили ғоясининг вужудга келиши илмий билимлардаги интеграция жараёнларига катта таъсир кўрсатди. Маълумки, бу ғоя XX аср фанининг 3 та муҳим концептуал йўналишларини ўз ичига олади ва улар постстационар олам назарияси, синергетика ва биологик эволюция назарияси ва унинг асосида ривожланган биосфера ва ноосфера концепцияларидир. “ Постноклассик фанда бир бутунлик парадигмаси тан олинади, олам, биосфера, ноосфера, жамият, инсонлар ягона яхлит тизимни ташкил қилади. Бу яхлитликнинг намоён бўлишида инсоннинг ўрганилаётган объектдан ташқарида эмас, балки унинг ичида яхлитликнинг бир бўлаги бўлиб кўриниши ётади ва бундай ёндошувнинг оқибати сифатида табиий ҳамда ижтимоий фанларнинг яқинлашувини кўрамыз.⁵⁰”

Илмий билимлардаги интеграция жараёни бир фаннинг ёки илмий билимларнинг бир-бирига аралашиб кетиши эмас, балки уларнинг синтези, органик бирлиги маъносида тушунилади. Бунда билимлар тизимидаги асосий тушунчаларда трансформация юз беради. Илмий билимлардаги интеграция жараёнлари фанларнинг тушунча ва категориялари унификация бўлиши; умумий илмий методларнинг пайдо бўлиши; бир фан методларининг иккинчи фанларга кириб келиши; умумий тадқиқот объектлари ва комплекс фанларнинг пайдо бўлиши тарзида намоён бўлади⁵¹.

Ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши умумилмий билимлардаги интеграция жараёнларининг кучайишига сабаб бўлди.

⁵⁰Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси-Т., 2005, -104 бет

⁵¹ Жалалова Г. Илмий билимлардаги интеграция жараёнларининг моҳияти// Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт-Т.:Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2008, -26 бет

Натижада, ахборот, витуаллик, ночизиқлик замонавий илмий билимларнинг умумий тушунчасига айланди. Компьютер ва Интернетнинг катта имкониятлари табиатшунослик ва аниқ фанлар: иккинчи томондан-ижтимоий ва гуманитар фанлар орасидаги тўсиқларни енгишга имкон бермоқда. Бу янги тафаккур тарзи шаклланиб, инсоният интеллектуал оламини бойитишига хизмат қилади.

Демак, илмий билимлардаги замонавий интеграция жараёнлари асосида, биринчидан, илмий билимлар ривожланишининг ички қонуниятлари, иккинчидан, ахборот технологияларининг ривожланиши ётади ва бу жараён келажакда янада кучаяди. Бунга асосий омил бўлиб глобал эволюционизм ғояси хизмат қилади. Зеро, борлиқнинг барча соҳаларида – табиат, жамият, инсон, маданият, фан, фалсафа ва хоказо коэволюцион жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар, бу жараёнларнинг механизмларини аниқлаш, табиий ва гуманитар билимларнинг янада яқинроқ ўзаро таъсирини кучайтиришни талаб этади. Бундан ташқари, инсоният олдида турган глобал муаммолар ҳам илмий билимлардаги интеграция орқали ҳал қилинади.

Шубҳасиз айтиш мумкинки, илмий билимлардаги интеграция жараёнлари оқилоналиқнинг бир ифодаси сифатида дастлаб илмий билимлар, кейинчалик эса турли илғор технологиялари орқали ўз самарасини бериб бораверади.

Умуман олганда, фан ер юзидаги барча халқларни бирлаштирувчи, уларнинг муштарак манфаат ва мақсадлари учун хизмат қилувчи маънавий-интеллектуал қадриятдир. Чунки Ер юзидаги барча халқлар турли диний эътиқодга, турли ахлоқий қадрият ва маданиятга, турлича бадиий-эстетик дидга, турлича сиёсий тизим ва мафкурага таянар экан, фақат илмий қадриятларгагина халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиради.

§3.2. МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса ёш авлод қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш энг асосий вазифалардан биридир. “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсини шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган, айти замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.⁵²”

Демократик қадриятлар янги типдаги шахсни шакллантиришга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги типини яратишга, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга хизмат қиладиган умуминсоний қадриятларнинг юксак шаклидир. Жамиятнинг маънавий янгилашиш жараёнида демократик қадриятлар инсоният интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва айти вақтда уни янада ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон ўз ақли ва тафаккури туфайли табиий заруриятдан озодлик, эркинлик сари қадам ташлади. Инсоният цивилизациясининг илк босқичларидаёқ илмсизлик, ношонлик, жоҳиллик зулмат сифатида, билимдонлик эса донолик, ёруғлик, куч-қудрат, эзгулик сифатида баҳоланиб қадрлана бошлаган. Илм маърифатни тарғиб этиш ва ривожлантириш билан изчил ва мунтазам шуғулланувчи кишилар зиёли, интеллигент (ақл эгаси) сифатида улуғланган.

Илмий қадриятлар ва шахс эркинлиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик қадриятларнинг туб асосини ташкил этади. Илм-фансиз жамият ва шахс тараққиётини тасаввур этиб бўлмагани сингари шахс озодлиги ва эркинлигисиз ҳам илм-фан ривожини тасаввур этиш қийиндир.

⁵² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Том 7.-Т.:Ўзбекистон, 1999, -381 бет

Илм-фаннинг ривожланиши олимларнинг шунчаки эрмаги эмас, балки жамият тараққиётининг объектив эҳтиёжидир. У инқирозларни бартараф этиш, ижтимоий-сиёсий муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб, инсонга муносиб ҳаёт шароитларини яратиш заруриятидан ривожланади. Фан ҳамма замонларда ҳам ижтимоий тараққиёт учун хизмат қилиб келган. Шунинг учун ҳам у умуминсоний қадриятлар тизимида алоҳида маъқеини эгаллади. Барча мавжудот ёруғликка интилгани сари, ер юзидаги барча инсонлар илмга интилади ва илмли кишиларни кадрлайди. Чунки фақат илм туфайлигина инсон том маънодаги эркинликка, озодликка эришади, ўзини қудратли ва яратувчи мавжудот эканлигини ҳис этади. Илм маърифатни кадрлаш халқимизга хос азалий фазилатлардан биридир. Президент И.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади.⁵³”

Фуқаролик жамиятида илм-фан кишиларнинг кадр-қиммат топиши, аввало, илмий тадқиқотларнинг жамият, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши, ақлий меҳнат маданиятининг равнақи билан белгиланади. Шунинг учун, “Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.⁵⁴”

Фан қадрият сифатида англана бошлаши билан кишиларнинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларида илм-фан аҳлларига хос бўлган сифат ва фазилатлар шакллана бошлайди. Фан кишилар ҳамиша аниқликка, ростгўйликка, ҳақиқатни билишга интиладилар. Улар кўп гапиришни эмас, балки кўпроқ фикрлашни, мулоҳаза юритишни маъқул кўрадилар. Олимлар ўтмишдаги улуғ алломаларнинг ёзиб қолдирган илмий назария ва таълимотларини ҳақиқат деб биладилар, ўзлари ҳам узоқ йиллар давомида эришган илмий натижаларини ҳақиқат сифатида баён этадилар.

⁵³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6.-Т.:Ўзбекистон, 1998, -213 бет

⁵⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Том 7.-Т.:Ўзбекистон, 1999, -150 бет

Фан кишиларда ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, тараққийпарварлик сингари фазилатларни тарбиялайди.

Олим меҳнати тўлалишча халқ ва Ватан манфаатлари учун қаратилган бўлиб, унинг ҳар бир муваффақияти бутун бир халқнинг ғурури, муваффақияти сифатида қадрланади. Улуғ олимлар тақдир тақозоси билан дунёнинг қаерида ва қачон яшашидан қатъи назар ўзи мансуб бўлган халқнинг номини ардоқлашга интилади. Дунёдаги турли халқлар ўзларининг улуғ алломаларининг заҳматли меҳнати, илмий кашфиётлари билан ҳақли равишда фахрланадилар ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирадилар.

Озод ва эркин жамиятда ҳақиқий олим ижтимоий - илмий кадрият сифатида эъзозланар экан, олимда юксак гражданлик туйғуси, масъулияти юксак ахлоқийлик билан уйғунлашади. Ҳақиқат, ҳалоллик ва диёнат демократик жамиятда олим кадр-қимматини оширувчи муҳим инсоний фазилат умумбашарий кадрият сифатида намоён бўлади.

Ватанни севиш ҳамиша фидойиликни талаб этади: олим ўзини фанга тўла бағишласагина бирон-бир муваффақиятга эришиши мумкин. Фан аҳллариининг ҳар бир муваффақияти фақат миллий тараққиёт учунгина эмас, балки бутун инсониятнинг фаровонлиги, тараққиёти учун хизмат қилади. Фаннинг умуминсоний кадрият сифатида англаниши ва қадрланиши унинг байналминал табиати билан узвий боғлиқдир.

Антик давр муаллифи Протогор “Инсон барча нарсаларнинг меъёридир”, деб ҳисоблайди. Фалсафа ҳозирги кунда инсон моҳиятининг кадриятли мазмунида ўз асосларини илгари суради. У инсон ҳаётининг мутлақ кадрияти сифатида эътироф қилинувчи илмий кашфиётларнинг тақдири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари билан қизиқади. Олим, ижодкор шахси тадқиқот жараёнида бефарқ қолдирилмайди. Фалсафий ижодда доимо инсоннинг ўз-ўзида мураккаблашуви рўй беради. Олим ўзининг оламдаги ўрнини янада аниқ ва тўлиқ топишга ҳаракат қилади. Бу оламни англашнинг янада янги қирраларини очиб беради. Шунинг учун фалсафада ҳар бир тизим муаллифлашган ва фалсафий билимлар эгалланилганда шахснинг роли

алоҳида аҳамият касб этади. Фалсафа шундай интеллектуал фаолият турики, унда мунтазам ўтмишдаги буюк олимлар Аристотель, ал-Фаробий, Беруний, Кант, Гегель, Авлоний, Фитрат ва замондошларимиз билан доимий мулоқот талаб қилинади⁵⁵.

Илмий ва ахлоқий кадриятлар бир-бирисиз ривожлана олмайди: кишилар ҳақиқий одамийликка, яратувчан қобилиятга, меҳр-шафқатли, инсоф-диёнатли, ҳалол бўлишга эришадилар. Шунингдек фан кишилардаги ахлоқий покликни, меҳнатсеварлик, фидойилик, ҳалолликни талаб этади. Бинобарин, олимлик ва одамийлик бир-бирини тақозо этадиган тушунчалардир. Илмий асосда фикрлаш тарзи кишилар ҳаёт фаолиятининг етакчи тенденциясига айланиши билан одамлар ўртасидаги муносабатларда туб сифатий ўзгаришлар рўй беради: сўзнинг кадри ортади; сўз билан иш, тил билан дил ўртасида ўзаро мутаносиблик вужудга келади. Жамият аъзоларининг интеллектуал салоҳияти юксала бориши, илм-фан ютуқларининг кенг оммалаштирилиши билан “фан тили” кенг омма учун тобора тушунарлироқ бўлиб боради: янги илмий тушунчалар миллий тилнинг бойишига кучли таъсир кўрсатади. Кенг омма ўртасида илмий тафаккурнинг ривожланиши эса ўз навбатида илм-фан кишиларига хос ахлоқий сифатларнинг кенг оммалашувига имкон беради.

Ўзбекистон шароитида давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги тамойилининг тўғри ва ҳаётийлиги тўла исботланди. Мазкур тамойил фуқаролик жамиятида давлатнинг илм-фан тараққиётининг бош ҳомийси эканлигини ҳам англатади. Демак, фаннинг миллий ва умумбашарий кадрият сифатида ривожланиши учун қулай имкониятлар вужудга келди. Илмий муассасалар, тадқиқот институтлари ва таълим муассасаларига фақат давлатгина эмас, балки нодавлат ташкилотлар, кўнгилли жамият ва уюшмалар, турли жамғармалар ҳомийлик қила бошладилар. Бироқ илмий кадриятларнинг умуминсоний, умумийлик кадрият сифатида қарор топиши

⁵⁵ Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан мутаносиблиги//Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фалсафа фанининг ўрни.-Т.,2011, -22бет

учун бунинг ўзи етарли эмасдир. Олим меҳнатининг самарадорлиги, ижтимоий мазмундорлиги ва жамият тараққиёти учун хизмат қилиши – ана шуларнинг барчаси илмий қадриятлар ривожланишининг муҳим шартидир.

Фан-техника тараққиёти фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантирган даврда у олим бир ўзи ишлайдиган соҳа бўлмай қолди. Ҳозирда фан деярли ҳамма жойда давлат ёки илмий-саноат корпорациялари назорати остида комплекс ривожланмоқда. Бундай шароитда истеъдодли ихтирочи-олим қудратли, лекин руҳсиз конвейер тарзида айланадиган илмий-саноат ишлаб чиқаришининг жуда кўп омилларига тўла боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Хўш, ҳозирги замон олими ким ва у қандай сифатларга эга? “Ҳозирги замон олими энг баҳсли ғояларни виждони қийналмай ҳимоя қилишга қодир. У бирон-бир муассаса ва мафкурага нисбатан боқий муҳаббат ёки нафрат туйғуларини ҳис этмайди. Унинг мақсадлари барқарор бўлиши ёки мулоҳазалар, зеркиш, тажрибанинг ўзгариши ёки атрофдагиларда кучли таассурот қолдириш нияти таъсирида ўзгариши мумкин. У мақсадга ё бир ўзи, ё уюшган гуруҳ ёрдамида эришишга ҳаракат қилиши мумкин. Бунда у ақл-идрок, эмоциялар, мутойиба, «жиддий манфаатдорлик позицияси» ва одамлар ўйлаб топган ҳар қандай воситалардан фойдаланиши мумкин. У доим универсал ғоялар ва универсал андозаларга очиқ-ойдин қарши чиқади. У илмий ҳалолликни шижоат билан ҳимоя қилишда ҳар қандай Нобель мукофоти соҳибидан ўзишга қодир”⁵⁶.

Олим портретига яна шуни қўшимча қилиш лозимки, у ҳақиқатни ҳамма нарсадан устун қўяди, билим – ҳаётнинг олий инъоми, ҳақиқат ҳар қандай эътиқодлар, мафкуралар ва жамоатчилик фикридан муҳимроқ эканлиги, олимнинг вазифаси ҳақиқатни тарғиб қилишдан иборатлиги, демак, у шогирдлар ва издошларга эга бўлиши лозимлигига унинг ишончи комил. Коинот ва табиатнинг азалий муаммоларини ўрганар экан, у дунёнинг ўтинчини эшитмайди. Ҳақиқатни излаш, чексиз оламни «англаш сифатини ошириш»ни олим ўз ҳаётининг мазмуни деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, жонли

⁵⁶Шермухамедова Н.А. ИТМ //(мажмуадан) фойдаланилди., 2012-2013 ўқув йили учун

мавжудот туғилиши билан англаш қобилиятига эга бўлади ва ўлганидан кейин ундан айрилади, бироқ англаш сифати инсон босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг тажрибаси ва ўзлаштирган билимлар мажмуи билан белгиланади. Ҳар бир инсон ўз борлиғини англаш ва олам қонунларини тушуниб етишга интилишда эркиндир.

«Илм одамлари» илмий изланишларнинг маҳсуллари фақат фан соҳасида тайёргарликка эга, билимдон одамларга беришлари мумкин. Тайёргарликка эга бўлмаган одамлар уларни ўзлаштира олмайдилар. Шу нарса диққатга сазоворки, «илм одамлари» - олимлар бутун дунё бўйлаб тарқалган ва бутун инсониятга тегишли. Улар бир-бирини кидиради, бир-бири билан алоқа қилади. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқотини таъминлаш шакллари ҳар хил ном билан аталади – булар семинарлар ва конференциялар, симпозиумлар ва конгресслар. Бироқ мулоқотнинг энг қулай ва кенг тарқалган йўли – олимларнинг илмий асарларини эълон қилиш. Махфий ишловларни ҳисобга олмаганда, ҳар бир олим муаммога нисбатан ўз ёндашуви, эришишга ўз ҳаётини бағишлаган натижалари билан бутун дунёни таништиришга ҳаракат қилади.

Маълум маънода олим – ноаниқлик, бемулоҳазалик ва ёлғон-яшиқлар майдонидаги жангчи. Кураш баҳс орқали олиб борилади. Баҳсда ҳақиқат туғилади. Илмий баҳс, мунозара жангнинг қабул қилинган шакллари бўлиб, унда олим-жангчи ўзи аниқлаган ҳақиқий билимни ҳимоя қилади. Кураш бир неча фронтларда боради. Олим жаҳолат ва мутаассибликка, ўз манманлигига қарши курашади. Муваффақиятсизликлар олимни танлаган йўлидан тўхтата олмайди. Шу сабабли олим ният ёрдамида бошқариладиган куч-ғайратнинг узлуксиз оқими сифатида тушуниладиган улкан иродали шахс, деб айтиш мумкин. Илгари маълум бўлмаган нарсаларни ақл чироғи билан ёритишга қаратилган ўз фаолиятида у катта қийинчиликларни енгиб ўтади. Ҳақиқий олим билимларни инсоният равнақи учун фойдали қилишга интилади, у одамлар устидан ҳокимиятни эгаллаш ва уларни бошқаришга уринишлардан узоқ бўлади.

Тараққиётни таъминлашда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги тан олинган ҳақиқат. Шу сабабли, юртбошимиз томонидан мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий таълим муассасалари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришиш таклиф этилмоқдаки, бу ҳам олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада оширишга, уларнинг амалиёт билан интеграциялашувини янада кучайтиришга хизмат қилади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “бундан 15 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган “ўзбек модели”- ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.⁵⁷” Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор миллий ва умумбашарий билим ҳамда тажрибалар, анъана ва кадриятларни ўзида мужассам этган ушбу моделда таълимни маънавий-ахлоқий тарбия жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш масаласи, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, ҳар томонлама камол топган, маънавий бой инсонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Зеро Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек “Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади”⁵⁸.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ мамлакатимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилган. Мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, турман ва тожик тилларида олиб борилади. мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва

⁵⁷ Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti”. // Халқ сўзи, 2012, 18 феврал

⁵⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-Б.61.

академик лицей барпо этилди. Барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари таълим портали ва интернетга уланган.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлири муҳим ўрин эгалламоқда. Минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қуллаб қувватлашда жаҳон ҳамжамиятининг ўрни ҳам беқиёсдир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси таълим сифатини ошириш мақсадида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар билан кўп тарафлама ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилмоқда, қўшма таълим тузилмалари ривожлантирилмоқда, ўқитувчи кадрлар алмашиш кенг тус олмақда. Хусусан Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментини ривожлантириш институти, Турин политехника институти, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлирининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.⁵⁹

Мамлакат маънавий янгиланишининг таркибий қисми бўлган олий таълим тизимини ҳам модернизациялаш, техник янгिलाш, инновацион ғоя ва технологияларни таълим тизимига жорий қилишга эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу боис бўлса керак турли давлат грантлари доирасида инновацион ғояларни жорий этиш учун кенг кўламли фаолият олиб борилмоқда.

Таълим ва инновациялар бир томондан, инсон фаолиятининг бир соҳаси бўлиб, улар келажакни аниқлашга таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан тараққиётнинг ўзига хос усули бўлиб келажакка яқинлаштирувчи ҳаракат ҳисобланади. Бу икки бошланғич асос тараққиёт ресурсларини

⁵⁹Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт”. // Халқ сўзи, 2012, 18 феврал

ривожлантурувчи ижтимоий механизмдир. Бунда сўз таълим ривожининг усули ёки воситаси сифатидаги таълим инновациялари ҳақида боради. Ҳар қандай ижтимоий ҳаракатни жадаллаштириш, айнан интеллектуал мазмунни бирлаштириш орқали, ягона жараёни ташкил қилиш шакли сифатида намоён бўлади⁶⁰.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари илмий тадқиқотларда фаол қатнашмоқда, корхоналар бюртмалар асосида инновацион фаолият билан шуғулланмоқда. Улар ўз ишланмалари билан ҳар йили юртимизнинг янги технологиялари ва илм талаб маҳсулотлари намоёиш этилаётган ярамаркаларда мунтазам иштирок этаётгани бунинг яққол далилидир.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора тadbирлар тўғрисидаги” қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлар билан таъминлаш, таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлаштиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилгани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва

⁶⁰ Каримов М.М. Таълим инновациялари – ҳаёт зарурати // Фалсафа, фан, таълим.//Республика илмий конференция материаллари –Т.:Ношир, 2010, -5 бет

албатта бахтли бўлишлари шарт” деган эзгу даъватининг ҳаётий ифодаларидир.⁶¹

Хусусан, 2012 йил 17 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзuida халқаро конференциянинг ўтказилиши, мазкур нуфузли анжуманда йирик халқаро ташкилотлар жумладан, БМТ, Осие тараққийёт банки, Ислom тараққийёт банки вакиллари, Буюк Британия, Италия, АҚШ, Россия ва бошқа дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари олимлари ҳамда мутахассислар иштирок этиши, узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишни мақсад қилиб олишгани айни ҳақиқатдир.

“Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир... Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиеда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.⁶²”- деб таъкидлаб ўтди, Осие тараққийёти банки Президенти Харухико Курода.

Демак, юртимизда фаол, маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилгани, айни ҳақиқатдир.

⁶¹ Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”. // Халқ сўзи, 2012, 18 феврал

⁶² Осие тараққийёти банки Президенти Харухико Куроданинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

Жаҳон тажрибаси давлат таълим тизимида тежамкорликка ҳаракат қилиш ҳеч қаерда ва ҳеч қачон иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминламагани ва муқаррар тарзда ижодий имкониятларнинг камайишига сабаб бўлганидан далолат беради. Давлат таълим тизими олдида турган вазифаларни ҳал қилишдан манфаатдор экан, у таълим тизимини молиялаштириш масаласини оптимал ҳал этиш учун қайғуради. Барча маърифатли мамлакатларда маданият, тиббиёт, ижтимоий таъминот ва таълим соҳалари асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади, чунки бу соҳалар мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий генофонди ҳисобланади. Таълим тизими ўзининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларни ўзи топишига қараб мўлжал олиш инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини бузади, бу эса турли ижтимоий қатламлар орасида бўлган аниқланувчи истеъдодлар сонининг камайишига олиб келади. Бундай таълим тизимига эга давлат кучли бўлиши мумкин эмас. Бу, албатта, таълим тизими ўз ресурслари имкониятларидан фойдаланиб, пул ишламаслиги керак деган маънони англатмайди. Ҳозирги жамиятда таълим хизматлари анча қиммат туради ва шунинг учун ҳам таълим тизими турли пулли лойиҳаларни амалга ошириб, ўз моддий базасини мустаҳкамлаши керак. Бу истеъдодли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг илмий-тадқиқотишларига жалб қилиш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилса, янада самаралироқ бўлади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, таълим тизими (айниқса университет таълими) миллий ривожланишнинг муҳим омили сифатида доимо давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторида туриши лозим. Буни юртимизда таълимнинг ривож тарихи, унинг сабоқлари ҳам кўрсатади.

Ўзбекистонда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга йўналтирилган сиёсат босқичма босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги таълим соҳаси энг юксак стандартларга амал қилмоқда. Республикамиз кенг миқёсдаги ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлиб, ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодий ўсишни

таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий инвестицияларни кўпайтириш йўлидан дадил ва қатъият билан бормоқдамиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади—таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни утмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитлардан тула ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги куз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кузини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини курувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Хуллас, фуқаролик жамиятида олим кадрлари ва илмий қадриятлар аҳамиятининг ортиб бориши объектив – табиий қонуниятдир. Илмий қадриятларнинг ҳар томонлама ривожлантирилиши ва тарғиб этилиши иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, мафкуравий ва бошқа муаммоларни оқилона ҳал этиш, демократик қадриятларни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Илмий қадриятларнинг ривожланиши илм аҳлларида юксак фуқаролик туйғусининг камол топишига, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун муносиб ҳисса қушишга даъват этади.

Ҳозирги глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар турли-туманлашиб бораётган даврда республикамизда ўтмиш ва тарихий қадриятларга тўғри муносабатни шакллантириш миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитишга асосланган замонавий тафаккурни тарбиялашда қадриятлар омилининг аҳамиятини ошириш усуллари ва илғор тажрибаларни аниқлаш, уларни такомиллаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Маълумки, илмий қадриятга оид билимларнинг эътироф этилиши бир-икки йилда бўладиган иш эмас, балки узок давом этадиган жараён дир. Аввало, илмнинг шу соҳаси билан шуғулланадиган мутахассисларнинг изланишлари ва тадқиқотларида намоён бўлади. Сўнгра

ушбу соҳага оид билимлар тўпланади, сайқалланади, улар аста-секин кенг жамоатчилик орасига кириб боради.

Хуллас, кейинги йилларда қадриятлар билан боғлиқ масалалар ниҳоятда долзарб мавзулардан бирига айланди. Бир қанча китоблар, рисоалар, тадқиқот ва диссертацияларда бу қадриятшуносликнинг фанининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, шарқона илдизлари, ўзига хос тамойиллари, қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари, қадриятнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари таҳлил қилина бошланди. Аммо ушбу мавзуда манбалар кўпайиб бораётгани, турли рисола ва мақолалар чоп этилаётганига қарамасдан, ҳали ҳам соф аксиологик тадқиқотлар кам эканлигини қайд этиш лозим.

ХУЛОСА

Ҳаётий мақсадни ўрганиш бир-бирига диалектик боғлиқ икки: миллий ва умуминсоний кадриятларни қанчалик ёшлар ҳаётидан ўрин олаётгани ва бу борада яна нималар қилиш зарурлигини белгилаб олишга ёрдам беради. Чунки ҳаётий мақсад кишининг ҳозирда ва келажакда мўлжаллаб қўйган режаларида, уларни рўёбга чиқариш учун лозим бўлган стимулларда аниқ намоён бўлади. Тўғри, киши ушбу ҳаётий мақсадларга ўзгартиришлар киритиб, ҳаётий мақсадни ижтимоий-маданий муҳит, давр талаблари билан мудом уйғунлаштириб боради. Ҳаётий мақсад соф ҳолича киши тақдирини, хатти-ҳаракатларини белгилаб беравермайди, улар ўртасида ранг-баранг, гоҳо бир-бирини инкор, рад этувчи зиддиятлар туғилади. Аммо ҳаётий мақсад орқалигина киши ўзини «ҳаёт субъекти» эканлигини аниқ идрок этади ва давр юклаган вазифаларни онгли, рационал, позитив ҳал этишга, бунинг учун ўзидаги ижодий кучларни жамлашга, сарфлашга интилади.

Келажакни кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий оламини шакллантирмасдан, уларни ижтимоий жараёнларнинг ижодкори, субъектига айлантирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки «Тараққиёт тақдирини, - юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, - маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади»⁶³.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш тамойилларининг янгиланиши серқирра жараён. У жуда катта ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафқураси, маданияти ва таълим тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши кабиларда намоён бўлади.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафқура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини

⁶³Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. – Т.:Ўзбекистон, 1996.– Б.34.

уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”.⁶⁴

Мустақиллик йилларида кадриятлар муаммоси кун тартибига қўйилди. Унинг моҳияти, мазмуни, структураси, комил инсон шахсини камол топтириш, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини чуқур идрок этиш ижтимоий фан вакиллари олдидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Демократик кадриятлар ҳаётга татбиқ қилинаётган, халқимиз маънавий кадриятларимиз сарчашмаларидан тўла баҳраманд этилаётган, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили собитқадамлик билан амалга оширилаётганлиги, илмий, сиёсий, ҳуқуқий тафаккурини янада ривожлантириш энг долзарб вазифага айланиб бораётганлиги ҳамда илмий кадриятларни маънавий кадриятлар тизимида таянч кадрият сифатида ривожлантириш объектив табиий жараён, муҳим социологик қонуниятдир.

Умуман олганда, кадриятлар инсоният маънавий интеллектуал ривожланишининг маҳсули, оламга бўлган муносабатининг алоҳида бир шаклидир. Фуқаролик жамияти шаклланиш шароитида демократик кадриятларни ҳаётга тадбиқ этиш, халқимизни ўзи яратган маънавий кадриятлари сарчашмаларидан баҳраманд этиш умумдавлат сиёсатининг устивор йўналишига айланиши билан кадриятлар моҳиятини тадқиқи этиш ниҳоятда муҳимдир.

Биринчидан, мазкур ишда кадриятларнинг моҳияти, маънавий кадриятлар тизими ва унинг муҳим элементлари тадқиқи этилди. Шунингдек, Марказий Осиё илмий кадриятларнинг ривожланиши бой тарихий меросга эга эканлиги, улуғ аждодларимиз илм-фан миллат кадрияти, тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик омили сифатида юксак баҳо берганликларга алоҳида эътибор берилди.

⁶⁴Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Том 8.. – Т.:Ўзбекистон, 2000. –Б. 23.

Демократик кадриятларнинг қарор топиши ва ривожланиши илмий кадриятларнинг ҳар томонлама ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Кадриятлар инсоният маънавий тараққиётининг ўзига хос мезони ва айна вақтда уни бойитувчи, ривожлантирувчи муҳим омилдир.

Иккинчидан, республикамызда миллий мустақиллик йилларида илм-фан ривожига катта эътибор берилганлиги, бир томондан улуг аждодларимиз бошлаган илмий анъаналарни давом эттириш, шунингдек, юртимизда келажаги буюк давлат барпо этишнинг муҳим омили бўлган илм-фан салоҳиятини янада кучайтириш билан боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

Учинчидан, Илмий кадриятларнинг ҳар томонлама ривожлантирилиши ва тарғиб этилиши иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, мафкуравий ва бошқа муаммоларни оқилона ҳал этиш, демократик кадриятларни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Туртинчидан, жамиятимизда илмий кадриятларнинг янада ривожлантирилиши, олимлар меҳнатининг муносиб тақдирланишига, янги ахлоқий муҳит, сифат жиҳатидан янги муносабатлар типини яратади. Айниқса, фаолият кўрсатаётган “Кадрлартайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисидаги” қонунлар илмий кадриятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Фуқаролик жамиятида илмий кадриятларнинг янада ривожланиши ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, демократик кадриятларнинг янада ривожланишига кўмаклашади. Илмий кадриятларнинг янада ривожланиши маънавий кадриятларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ равишда рўй беради.

Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида фан, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар шубҳасиз, мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни оқилона ҳал этишда илм-фан салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга, халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2008.-40 бет
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”
Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Ахборотномаси, 1991.1-сон.-12-38 б.
3. Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами Том 1-19. -Т.: Ўзбекистон,
1996-2011 йй.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида -Т.:
Ўзбекистон, 2012.
6. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни
тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация
қилишнинг энг муҳим шарти”. Мавзусидаги халқаро конференциянинг
очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012, 18 феврал
7. Фалсафа энциклопедик луғат.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти, 2010
8. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.:Ғ.Ғулом номидаги
нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009
9. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. – Т.: Мерос, 1993.
10. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар.- Т.:Ўқитувчи, 1998.
11. Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омиллар.- Т.:Маънавият, 1999
12. Аброров М. Янгича фикрлаш ва миллий урф-одатлар. – Т.: Фан, 1990.
13. Абдусамедов А. Динлар фалсафаси –Т., 2010
14. Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг
бағдоддаги илмий фаолияти. – Т.:Ўзбекистон, 2010
15. Беруний Танланган асарлар. 5 томлик.-Т.:Фан, 1982, 3 том.
16. Бабахонов Ш.З. Бухари и его место в истории ислама.-Т.:Фан, 1991, С.26
17. Қуръон ал Карим таржимон ва тасвир қилувчи Олтинхон Тўра.-
Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
18. Темур тузуклари –Т.:Ўзбекистон, 2011

- 19.Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар.- Т.:Фан, 1983
- 20.Форобий Фозил одамлар шаҳри –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993
- 21.БўроновҚ. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари.- Т.:Фан, 2003
- 22.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996..
- 23.Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. – Т.: Фан, 1990.
- 24.Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983.
- 25.Юсупов Э. Инсон камолининг маънавий асослари.- Т.:Университет, 1998.
- 26.Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни-Т.:Тошкент техника университети, 1995
- 27.Шермухамедов С. Мустақиллик- буюк неъмат-Т.:Ўзбекистон, 1991.
- 28.Шермухамедов С. Инсон фалсафаси –Т.:Фан, 2010
- 29.Шермухамедова Н. Фалсафа (ўқув-услубий мажмуа) –Т.:Ношир, 2012
- 30.Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси (ўқув-услубий мажмуа)-2012.
- 31.Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси – Т.: 2010
- 32.Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. -Т.: Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. 1993.-Б.9.
- 33.Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2009
- 34.Назаров. Қ. Аксиология. (Қадриятлар фалсафаси.) - Т.:Академия, 2011.
- 35.Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари.-Т.: Шарқ, 1992.
- 36.Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.:Академия, 2005.
- 37.Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият (Тажрибавий матн) –Т.:Янги аср авлоди, 2001
- 38.Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси.-Т.: Маънавият, 1998

39. Саифназаров И., Саифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари.-Т.: Мехнат, 1997
40. Саифназаров И. Ва бошқалар. Фаннинг фалсафий масалалари – Т.: Академия, 2006.
41. Фалсафий қадриятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни – Т.: Университет, 2011
42. Назаров Қ. Қадрият фалсафаси. // Мулоқот 1-, №2, -32 бет
43. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги – Т.: Университет, 2009
44. Қаҳхарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг маънавий асоси – Т.: Тафаккур, 2009
45. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар-Т.: Академия, 2002
46. Тоҳиров О. Комиллик-етуклик тимсоли. // Мулоқот, 1999, 3-сон.-Б.39-41б
47. Йўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси. // Гулистон, 1999, 5-сон.-Б.5-6
48. Аҳмедова Х. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси. // Ижтимоий фикр, 2000, 1-2 сон. –Б.150-154
49. Туленов Ж. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари.- Т.: Ўзбекистон, 1993.-Б.96;
50. Философия культуры. Становление и развитие. –Санкт-Петербург, 1998.
51. Основы философии. –Т.: Узбекистан, 1998. –С.318.
52. Народонаселение стран мира. –М.: Политиздат, 1989. 330-б.
53. Баркамол авлодни шакллантириш- маънавий тараққиёт омили.- Т.: Нишон-Ношир, 2010
54. Иброҳим Ҳаққул. "Навоийга кайтиш". –Т.: Фан, 2007, - 13 бет.
55. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1996.
56. Гуревич П.С. Философская антропология. – М.: Изд-во «Вестник», 1997.
57. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тушунча, моҳият ва сиёсат. - Т.: Маънавият, 1999.

58. Каримов Иброхим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.:Фан, 2001.
59. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996.
60. Маънавият юлдузлари. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 408 б.
61. Миллий истиқлол ғояси: тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
62. Ўзбекистондаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фалсафа фанининг ўрни. – Т.: “Ижтимоий фикр жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, 2011
63. Вернадский В.И. О науке. Т.1. – М., Дубна, 1997.
64. Фалсафий қадриятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни// Республика илмий конференция материаллари- Т.: Университет, 2011
65. Фалсафа, фан, таълим.// Республика илмий конференция материаллари – Т.: Ношир, 2010.
66. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт-Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2008
67. Фалсафа: таълим ва инновация// Ёш олимлар илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Университет, 2012 5 май
68. Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари// Республика илмий конференция материаллари- Т.: Университет, 2012
69. Юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли ёшлар- Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили// Ёш олимлар илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Университет, 2013 25 апрел
70. Цивилизация келажаги: фалсафий ёндошув// Халқаро-илмий назарий конференцияси-Т.: Ношир, 2012 16 ноябр
71. Ёшларни ахборот –психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт// Республика илмий конференция материаллари-Т.: Университет, 2012 9 ноябр

72. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тараққиёти: муаммо ва ечимлар// Республика илмий конференция материаллари-Т.: Университет, 2013
73. Соғлом турмуш тарзи – обод турмуш кафолати// Республика илмий конференция материаллари. -Т.Университет, 2013